



## ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Мухтарам онахонлар!

Қадрли опа-сингиллар, дилбар қизларим!

Барчамиз орзиқиб кутган сўлим баҳор кириб келиши билан табиат очилиб, кўнгилларимиз ёруғ туйғуларга тўлиб бораётган мана шу шукҳли айёмда сиз, азизларимни, сизлар орқали бугун Ўзбекистон хотин-қизларини 8 март байрами билан чин қалбимдан муборакбод этишдан бахтиёрман.

Биз бугун Яратганнинг буюк мўъжизаси бўлган, ҳаёт давомийлиги ва абадийлигини ўзида мужассам этган аёл зотини, табарруқ оналарни улуглар эканми, беихтиёр мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг "Жаннат оналарнинг оёғи остидадир" деган мазмундаги ҳикматли сўзларини эслаймиз ва муқаддас Она сиймоси олдида таъзим қиламиз.

Ўзининг латофати ва нафосати, вафо ва садоқати, қалб саховати билан оилани оила қиладиган, хонадонларимиз бекаси ва чароғбони бўлмиш сиз, мунис аёлларимизга ҳар қанча тасаннолар айтсак, сизларни ҳар қанча эъзозлаб, бошимизга қўтарсак, арзийди, албатта.

Азизларим!

Ҳеч кимга сир эмас, мен давлат

раҳбари сифатида доимо ўз чиқишларимда сиз, аёл зотига юксак ҳурмат ва эҳтиром билдириб, олдимизда турган улкан вазифаларни амалга оширишда, рўзгор ва оила тебратишда, ҳаётимизни янада обод ва фаровон қилишда, қайси соҳа бўлмасин, сизларнинг қўшаётган беқиёс ҳиссангизни ўзимга яққол тасаввур қилиб, сизларга яна ва яна бир бор чуқур миннатдорлик изҳор этишдан чарчамайман.

Ҳақиқатан ҳам, сиз, азизларнинг юртимизда тинчлик-осойишталикни сақлаш, оилаларни мустаҳкамлаш, жамиятимизда меҳр-оқибат муҳитини кучайтиришдаги ўрнингиз ва таъсирингизни, чидам ва сабр-бардош, оқилалик ва шукроналик каби фазилатларингизни ҳеч нарса билан қиёслаб, баҳолаб бўлмайди. Ҳеч иккиланмасдан айтмоқчиман: ўзининг гўзаллиги ва фидойилиги, меҳнатқилиши ва бағрикенглиги билан бизнинг юртимиз аёлларига тенг келадиган аёллар дунёда камданкам топилади.

Ҳурматли ватандошлар!

Биз мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб хотин-қизларнинг жамиятимиздаги ўрни ва маъқеани, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги, иқтисодий-иқтисодий

турли соҳаларидаги нуфузини ошириш бўйича қандай катта қадамлар қўйганимиз ҳақида ортиқча гапиршининг ҳождати йўқ, деб ўйлайман.

Бугун биз бошимиздан кечираётган, тез ўзгариб бораётган глобаллашув замонида сизларнинг ҳеч кимдан кам бўлмасдан, ҳаётимизнинг ҳал қилувчи устувор йўналишларида, замон талаблари билан ҳар томонлама уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб, улкан утуқларга эришаётганингизни биз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.

Бугунги кунда юртимизда меҳнатга лаёқатли бўлган хотин-қизларимизнинг 62 фоиздан зиёди иқтисодий-иқтисодий турли тармоқларида, ишлаб чиқариш ва бошқарув соҳасида фаол меҳнат қилмоқда.

Тан олиш кераки, аёллар бандлиги ҳақида сўз юритганда, биз одатда хотин-қизларнинг меҳнати ососан таълим соҳасида, аввало, боғча ва мактабларда, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимида, енгил ва озиқ-овқат саноати, қайта ишлаш тармоқлари каби анъанавий йўналишларда, маданият ва санъат соҳасида кўпроқ талаб этилади, деб ҳисоблашга ўрганиб қолганмиз.

Шу муносабат билан бундай эскича қарашларни рад этадиган, ҳеч шубҳасиз, кўпчиликда қизиқиш уй-

ғотадиган баъзи бир аниқ рақам ва мисолларни келтиришни ўринли деб биламан.

Мисол учун, бугунги кунда фақатгина умумий ўрта таълим мактабларида хизмат қиладиган муаллим ва мураббийларнинг 70 фоизга яқини аёллар ташкил қилади. Айни вақтда таълим-тарбия соҳасида энг замонавий босқич бўлмиш касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар тизимида меҳнат қиладиган опа-сингилларимизнинг улуши қарийб 50 фоизни, олий ўқув юртиларида эса аёл профессор-ўқитувчилар 43 фоизни ташкил этиши алоҳида эътиборлидир.

Ёки соғлиқни сақлаш тизимини оладиган бўлсак, соҳадаги тиббий хизматчиларнинг 78 фоизи хотин-қизлар бўлиб, уларнинг салкам 53 фоизи врач аёллардир. Улар тиббиёт соҳасининг деярли барча тармоқларида, жумладан, энг мураккаб, юқори технологияларга асосланган, ихтисослашган йўналишларида фаол иш олиб бормоқда. Шифокор аёлларимизнинг 1 минг 100 нафардан ортиғи илмий даражага эга бўлиб, бу олий малакали врачлар умумий сонининг 37 фоизини ташкил қилади.

(Давоми 2-бетда.)

## МЕҲР-МУҲАББАТ, ГЎЗАЛЛИК, ФИДОЙИЛИК РАМЗИ

«Туркистон» саройида 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш йўлида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида хотин-қизларнинг маъқеани юксалтириш, уларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга устувор аҳамият қаратилмоқда. Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан бўлиб ўтаётган тадбирларда бу жиҳатлар яна бир бор ўз ифодасини топмоқда.

Турли соҳаларда самарали меҳнат қиладиган хотин-қизлар 7 март куни Тошкентдаги хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйди. Пойтахтимиздаги ибратли маҳаллалар, болалар ва ўсмирлар спорт мактаби,

мактабгача таълим ва тиббиёт муассасалари фаолияти мисолида оила, оналик ва болаликни ҳимоялаш, қизлар саломатлиги ҳақидаги гамхўрликнинг самаралари билан танишди.

Шу куни «Туркистон» саройида ушбу сана муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда сенаторлар, депутатлар, ижтимоий-иқтисодий, илм-фан, маданий-маърифий соҳаларда фидокорона меҳнат қиладиган аёллар, хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари иштирок этди.

Тантанали йиғилиши Тошкент шаҳар ҳоқими Р.Усмонов очди.



Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ҳеч кимдан кам бўлма-

ган авлодни вояга етказиш, уларга замонавий касб-хунар сирларини ўргатиш, Ватанимиз обрўси ва нуфузини тобора юксалтиришнинг муҳим шарти сифатида хотин-қизларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мустақилликнинг дастлаб-

ки кунларидаёқ Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг ташкил этилиши хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла таъминлаш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш каби эзгу йўналишлардаги ишлар кўламини янада кенгайтириш имконини берди.

(Давоми 2-бетда.)



Jarayon

Қишнинг охири кунлари дадам боғимиздаги дарахтлар танасининг куйи қисмини қорга кўмиб, устидан сув сепиб, жипслаштириб кўярди. Бунинг сабабини сўрасам: «Мақтабда биология фанини ўрганиш жараёнида ҳаммасини тушуниб оласан, мен ҳам буни устозларимдан ўрганганман», дея боғдорчиликка оид айрим тушунчаларни бергандилар. Уч-тўрт йилдан сўнг биология фанидан дарахтларнинг илдиш қисмини қорга кўмиш усули новдаларнинг бевақф қуртак ёзиши, гулларини совуқ уришидан асрашини тушуниб етдим. Бу ўқувчилик давримда биология фанидан ўзлаштирган билимларимдан бири бўлди.

Хозир таълим муассасаларида ўқувчилар билим олиш баробарида ҳаётий кўникмаларни ҳам пухта ўзлаштириши, лаёқатли инсон бўлиб етишишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда умумтаълим фанлари бўйича узлуксиз таълимнинг компетенциявий ёндашувга асосланган янги ДТС ва ўқув дастурлари лойиҳалари тажриба-синови республика миқёсидаги 14та академик лицей ва 14та касб-ҳунар коллежида ҳам ўтказилмоқда. Жараёнга кенг жамоатчилик вакиллари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлигининг умумтаълим мактабларида ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш бош бошқармаси, Республика таълим маркази, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти, Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти, Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис маркази мутахассислари жалб этилган. Асосийси, тажриба-синов жараёнида экспериментатор-ўқитувчилар тўғри ёндашув ва қиёсий таҳлилга жиддий эътибор қаратишяпти.

— Математика фанидан ўтказилаётган тажриба-синовлар пайтида математик индукция мавзусига доир мисоллар ечишда ўқувчилар бироз қийналди, — дейди экспериментатор-ўқитувчи, Бухоро иқтисодиёт ва банк коллежи ўқитувчиси Хурматов Жумаева. — Шунингдек, бироз мураккаброқ бўлган ҳосила мавзусини тушунтиришда ҳам аввал функциянинг лимити ҳақида гапирилиб, сўнгра функция ҳосиласига таъриф бериш жоиз, деган тўхтамга келдик. Ўқув дастурида ушбу мавзу учун ажратилган 24 соатга қўшимча яна 2 соат лимит мавзусини киритиш ва гармоник тебранишлар мавзусини кенгайтиришни тавсия этдик. Чунки ўқувчиларда гармоник тебранишлар мавзусини ўзлаштиришда қийинчиликлар кузатилди.

Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика элементлари бўлимида ўқувчилар комбинаторика элементлари мавзусини тез ўрганган бўлсада, математик статистика элементларини ўзлаштириши осон кечмади. Чуқур таҳлиллардан сўнг ушбу мавзунинг статистика ва аудит фани билан боғлаб тушунтириш зарурлигини англадим. Очиги, бу усул ўқувчилар мавзунинг нисбатан осон ўзлаштиришига йўл очди. Айни пайтда коллеж ўқув дастуридан жой олган мураккаб мавзуларни ўқувчилар ингил-

роқ қабул қилиши учун дарсларда замонавий педагогик технологиялар, рангли плакатлар, мультимедиа воситаларидан фойдаланиб, паст ўзлаштирувчи ўқувчилар билан яққа тартибда шугулланишга ҳаракат қилаялман.

1-Тошкент педагогика кол-

тўғри ёзишлари учун луғат-диктантнинг бир неча янги ашакллари яратиш зарур деган қарорга келинди. Чунки ушбу услубга оид «муружаат этаман», «мувофиқлаштирилган», «эътиборга молик» каби сўзларни ёзишда хатоликлар кузатилди. Экспериментатор-ўқитувчиларимиз томонидан грамматик мавзуларни қоида ва хусусиятларига қараб таснифлаб, бир неча бўлақларга бўлган ҳолда содда мисоллар билан тушунтириб бориш тақлиф қилинди. Масалан, қўшма гаплар ва улардаги маъно муносабатлари, ёзма ва оғзаки нутқдаги боғловчиларни қўллаш алоҳида-алоҳида мавзуларга ажратиб ўргатилса, тил қоидаларини тушуниш янада осон кечадди.

Тажриба-синовлар натижа-

кил этилиб, ҳуқуққа доир муаммолар кенг аудиторияда муҳокама қилинди.

Интернетдан ахборот йиғиш ва ундан тез ва қулай тартибда маълумот олишга қийналган ўқувчиларга тавсиялар берилди. Маълумотлар базаси шакллантирилиб, «gov.uz», «lex.uz», «portal.uz» каби ахборот порталларидан фойдаланишда ҳамда ахборотлар ичидан асосийлари танлаб олинди, мавзуга оид қўшимча манбалар, қонунлари, кодекслар билан ишланди. Асосийси, тажриба-синов давомида ДТС асосида ўқувчиларнинг қобилияти, ёши ва психологик хусусиятлари, мавзуларнинг кетма-кетлиги, фанлараро боғлиқлиги ҳамда узвийлиги аниқланиб, тақвим режаси ишлаб чиқилди.

бироз қийналиши. Шу боис мавзунинг вулкон отилиши, зилзила, қор кўчкиси, сел, ўпиритиш, сурилма, нураш каби табиий-географик жараёнлар тасвирланган видеороликлар ёрдамида содда ва осон тушунтиришга ҳаракат қилдик. Ўқувчилар қайсиниси ички ва қай бири ташқи омил эканлигини билиб олишди, табиий ва сунъий жараёнларни фарқлай олиш кўникмасига эга бўлишди. Муаммолар жараёнларни ўқувчилар кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда ўрганиши зарур деган хулосага келдик. Сабаби, улар кичик гуруҳларда тушунчаларни изоҳлашга қизгин киришиб кетишди. Ўзлари яшаб турган ҳудудда содир бўлган табиий-географик жараёнларни шарҳлаб бериши ва бу уларда табиий-географик жараёнларни кузатиш ҳамда аниқлаш лаёқатини шакллантиришга асос бўлди.

— Тажриба-синов гуруҳи ўқувчилари кимёвий атамалар, элементларнинг даврий jadвалда жойлашиши, валентлигини аниқлаш, оддий моддалар, кислоталар, тузлар, асос ва ишқорларнинг ионларга ажралиши (диссоциация) ни бажаришда ноаниқликларга йўл қўйишди, — дейди Самарқанд педагогика ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг кимё фани ўқитувчиси Олим Ҳасимов. — Тажриба-синов давомида органик кимёдаги изомерия мавзуси органик моддалар ҳисобланган шакар, қанд, новот мисолида ўрганилганда, шакар ва қанд истемол қилган одам организмда иссиқлик ютилиши, новот эса қувват бериши формулалар билан тушунтирилганда, ўқувчилар мисоллар асосидаги билим ва тушунчаларни тез қабул қилиб олишди. Шу билан бирга, табиий ва сунъий моддалар фарқланиши, уларни кундалик ҳаётда қўллашда шакар ва қанднинг сувда суолтириб, мева ва сабзавотларни майдалаб қўшиб, мураббо шаклида истемол қилганда организмга кўпроқ фойда бўлиши каби ҳаётий кўникмаларга эга бўлдилар.


— Дастлабки ярим йиллик синов натижаларига кўра, баъзи мураккаб мавзуларни умумтаълим мактабларида чуқурроқ ва бошланғич тушунчаларни мукамал ўргатиш зарурлиги аниқланди, — дейди Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази бош мутахассиси Нурмурод Чинниқулов. — Шу маънода марказимизда экспериментатор-ўқитувчиларимизнинг умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими фанларига оид тақлиф ва мулоҳаза, хулосаларни умумлаштирилиб, мавзуларни синфлар кесимида оқилона тақсимлаш бўйича кенг қўламда ишлар олиб борилапти.

Фанни ҳаётий мисоллар, инсоний табиат, назарияни амалиёт билан боғлашга йўналтирилган янги таълимий лойиҳа устида ишлар изчил давом эттириляпти, келажакда бу албатта ўз ижобий натижасини беради.

Маърифат ТЕМУРЗОДА,  
«Ma'rifat» муҳбири

# КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВ ВА ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛЛАР

## давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларининг тақомиллашувига хизмат қилади



лежида рус гуруҳларда ўзбек тили фанидан ўтказилаётган тажриба-синов ишларида кундалик ҳаётда мулоқотга киришувчанлик, фикрни ёзма ва оғзаки равишда эркин баён қила олиш, имло хатоларисиз ёзиш каби муҳим компетенциялар шакллантириляётганига гувоҳ бўлдик.

— Ўқувчилардан бир неча назорат диктантлари олдик, — дейди коллежининг ўзбек тили фани ўқитувчиси Сайёра Саъдиева. — 30та сўздан иборат луғат-диктантда ўқувчилар ўтилган лексик мавзулар бўйича расмий услубда диктант ёзишди ва танлаб олинган сўзлар асосида ижодий матн тузишди. Ушбу мавзуга оид тажриба-синов натижаларига кўра, рус гуруҳларида таълим оладиган ўқувчиларнинг ариза, таржимаи ҳол, тушунтириш хати, тавсифнома, билдирги, баённома, далолатнома каби ҳужжатларни ўзбек тилида маъно ва грамматик жиҳатдан

лари таҳлили ўқувчиларнинг билим олишга қизиқиши, ўз устида ишлашга интилиши сезиларли ошганини кўрсатмоқда.

— Муассасамизда ҳуқуқшунослик фанидан тажриба-синов қизгин олиб бориляпти, — дейди Ўзбекистон Миллий университети қошидаги С.Сирожиддинов номидаги академик лицейнинг ҳуқуқшунослик фанидан экспериментатор-ўқитувчиси Гулбаҳор Радулова. — Жараёнда «Ҳуқуқ ва эркинликларнинг конституциявий кафолатлари» мавзусига таҳлилий ёндашилди. Масалан, ўқувчиларда харидорнинг пластик картчакдан фойдаланиш қоидалари ва у билан боғлиқ чекловлар содир бўлганда ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қила олиш компетенциялари мисоллар асосида шакллантирилди. Давлат ҳокимияти органлари, солиқ идоралари, ОАВ ходимлари билан учрашув ва давра суҳбатлари таш-

Хозир ўқувчиларда кундалик ҳаётда тўғри ва оқилона қарор қабул қила олиш, машғуллар асосида ўрганиш зарур бўлган тарихий ҳодисаларга ҳолис баҳо бериш, тарихий атамаларни таърифлаш, улардан амалда тўғри фойдаланиш компетенциялари шакллантирилмоқда.

Янги ўқув дастурлари лойиҳаси билан боғлиқ вазифалар ўқитувчиларни ўз устида жиддийроқ ишлаш, изланишга ундаб, касбига масъулиятини янада ошираёпти, десак сира муболаға бўлмайдди.

— Табиий географик жараёнлар» мавзусини ўрганишда айрим муаммоларга дуч келдик, — дейди Самарқанд педагогика ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида амалий география фанидан тажриба-синов ишларини олиб бораётган педагог Гулчехра Аъзамова. — Масалан, ўқувчилар табиий, ички, ташқи ва сунъий омилларни изоҳлаб беришда



## Yangiliklarda yurt nafasi



### Жиззаҳда инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ҳудудий ярмаркаси бўлиб ўтди.

Тадбирда 50 дан орტიқ илмий-тадқиқот, олий таълим ва таъриба-конструкторлик ташкилотларининг юздан зиёд технология ва ишланмалари намойиш этилди.

— Ярмаркада инновацион лойиҳалар билан иштирокчиларнинг реал тармоқлари ишлаб чиқарувчилари ўртасида кенг ҳамкорлик ўрнатилмоқда, — дейди вилоят ҳудудий инновация фаолияти ва технологиялар трансфери маркази директори Нодира Саидхалимова. — Бу мамлакатимиз иқтисодиётининг янада жадал ривожланишига хизмат қилади. Хусусан, тадбирда фермер ҳўжаликлари, саноат корхоналари ва ташкилотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари билан лойиҳа муаллифлари ўртасида 470 миллион сўмликдан зиёд қирққа яқин шартнома имзоланди.

Ярмарка доирасида ўтказилган кўрик-танловда “Энг фаол иштирокчи”, “Энг фаол ёш иштирокчи”, “Энг яхши инновацион ишланма муаллифи” каби ўндан зиёд номинация бўйича ғолиблар аниқланди.

### Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ахборот-ресурс марказида “Китоб — билим бўлоғи” деб номланган очик эшиклар кунли ўтказилди.

Университет ахборот-ресурс маркази директори А.Абдидуратов ва бошқалар Президентининг раҳнамолигида ёш авлоднинг баркамол вояга етиши, билимини бойитиш, дунёқарашини кенгайтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун барча шароит ва имкониятлар яратилаётганини таъкидлади.

Марказда интернет, “ZiyoNET” тармоқлари ишлаб турибди. Интернет тармоғидаги каталоглар базасига 20 мингга яқин номдаги ўқув адабиётлари киритилган. Марказ 500 мингдан зиёд китоб фондига эга бўлиб, уларнинг 326 минг 750 таси дарслик ва ўқув қўлланмаларидир. Шунингдек, 35 мингга яқин бадий адабиёт, қарийб 96 минг илмий асар мавжуд. Йигирма тўрт мингдан зиёд дарслик ва ўқув-услубий қўлланмаларнинг электрон шакли яратилган. Ахборот-ресурс маркази хизматидан 20 мингга яқин китобхон мунтазам фойдаланмоқда.

Тадбир доирасида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳақида видеофильм ҳамда ахборот-ресурс марказининг китоблар кўргазмаси намойиш этилди.

### Наманган вилоят ўлкани ўрганиш музейида “Ижодимиз сенга, Ватан!” деб номланган тасвирий санъат асарлари кўргазмаси бўлиб ўтди.

Унда Наманган санъат коллежи ўқувчиларининг машғулотлар ва дарсдан бўш вақтларида рангтасвир, графика ҳамда миниатюра жанрида ишлаган юзга яқин ижод намуналари намойиш этилди.

— Тасвирий санъат муҳлисларини ёшлар ижодидан баҳраманд этиш, улар ҳақида устоз рассомларнинг фикр-мулоҳазаларини билиш мақсадида ташкил этилган кўргазма ўқувчиларимизнинг келгуси ишларида муҳим аҳамият касб этади, — дейди Наманган санъат коллежи ўқитувчиси Собиржон Отахонов.

Намойиш этилган асарларда Ватанимизнинг бетакрор табияти, мафтункор қишлоқ манзаралари, миллий қадриятларимиз, урф-одат ва аъналаримиз ёшлар нигоҳи билан самимий тарафнам этилгани тасвирий санъат ихлосмандларида катта таассурот қолдирди.

Наврўза Инованинг миниатюра, Мухтасар Имомова, Асила Иброҳимованинг рангтасвир, Раҳматали Аҳмадқулловнинг графика жанрида яратган асарлари, айниқса, мутахассислар эътирофига сазовор бўлди.

### Андижон вилоятининг Улуғнор туманидаги “Шахриобод” маҳалласида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар билан учрашув бўлиб ўтди.

Туман ҳокимлиги, мудофиа ишлари бўлими, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди туман бўлинимаси ҳамда “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда маҳалла фаоллари, касб-хунар коллежи ва умумтаълим мактаблари ўқитувчи ва ўқувчилари, ота-оналар иштирок этишди.

— Ҳарбий хизмат давомида йигитларнинг жисмоний чиниқиши, маънавий салоҳиятини ошириши учун барча шароит яратилган, — дейди яқинда ҳарбий хизматдан қайтган Бекзод Хасанов. — Мен ҳам хизмат даврида жуда кўп нарсаларни ўргандим. Бадий, илмий ва ўқув адабиётларига бой, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланган кутубхона ҳарбий хизматчилар ихтиёрида. Намунали хизматларим учун кўмондонликнинг олий ўқув юртига ўқишга киришга имтиёз берувчи йўланмасига эга бўлдим. Насиб этса, шу йил пойтахтимиздаги Автомобиль-йўллар институтига ҳужжат топшироқчиман.

Тадбирда собиқ аскарларнинг ҳарбийлар ҳаёти, у ерда яратилган шароит ҳақидаги фикрлари ёшларда катта таассурот қолдирди.

**ЎзА ва махсус мухбирларимиз йўлаган материаллар асосида тайёрланди.**

## Соҳа ривожини истиқболлари

**Миллий матбуот марказида “Оммавий ахборот воситалари ва нашриётлар фаолиятини эркинлаштириш жараёнлари: қонуний талаб, муаммо ва ечимлар” мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори О.Юнусов, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Фулмонов, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев ва бошқалар юртимизда оммавий ахборот воситалари, нашрилик ва матбаа соҳасини ривожлантириш, тизимга замонавий технологияларни янада кенгроқ жорий этиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилаётганини таъкидладилар.

Мамлакатимизда айна пайтда 1372 оммавий ахборот воситаси, 108 нашриёт, 1750 матбаа корхонаси фаолият юритмоқда. Соҳада модернизация ишлари изчил олиб борилаётир. 2013 йили Хоразмда газета қот этакдан замонавий матбаа ускунаси ишга туширилган бўлса, бу йил Қорақалпоғистон ва Сурхондарё матбуотчилари ҳам ана шундай имкониятга эга бўлишади. Журналист, ношир ва матбаа ходимларининг малакасини ошириш масаласи доимий эътиборда. Китоб дўконларини кўпайтириш, жумладан, истироҳат боғларида ҳам ташкил этиш режалаштириляпти.

Тадбирда 2014 йил давомида соҳада амалга оширилаётган ишлар, ўтказиладиган кўрик-танлов, ўқув-амалий семинар ва китоб байрамлари ҳақида маълумот берилди.

**МУХБИРИМИЗ**

## Бандлик — муҳим масала

**Бугунги кунда аҳолини иш билан таъминлаш, айниқса ёшларни, ёш оқиларни қўллаб-қувватлаш масаласи давлат сиёсатининг устувор вазифасига айланди. Шу боис жойларда корхона ва ташкилотлардаги мавжуд бўлиш ўринларини зарур мутахассис кадрлар билан тўлдириб, ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида «Бўш иш ўринлари ярмаркалари» ўтказилиб келинмоқда.**

Ана шундай ярмаркалардан бири Самарқанд шаҳридаги «Ватанпарвар» маҳалласида вилоят ҳарбий прокуратураси, шаҳар ҳокимлиги ҳамда шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Самарқанд шаҳридаги етмишдан ортиқ корхона, ташкилот ва муассасалар ўзларида мавжуд 1130 бўш иш ўринлари билан иштирок этган тадбирда Куролли Кучлар сафидан захирасига бўшатирилганлар, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини иш билан алоҳида эътибор қаратилди.

— Бу каби тадбирлар нафақат вақтига ишсиз аҳоли учун, балки иш берувчилар учун айна муддао, — дейди “Daka tex” қўшма корхонаси кадрлар бўлими мутахассиси Лобар Асомова. — Энг муҳими, малакали ва маҳоратли мутахассисларни саралаш олиш имконияти мавжуд. Шу боис бугунги ярмаркага ҳам 25та ип йигирувчи, 10та слесар-механик бўш иш ўринлари билан қатнашяпмиз. Ип йигирувчилар учун бўш ўринларимизга

етарли номзодларни қабул қилдик.

Мехнат ярмаркасида 39 киши бўш ва квота иш ўринларига эга бўлди. Жумладан, мuddатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган 8 нафар йигит ҳам ишга йўланма олди.

— Ҳарбий хизматни ўтаб, яқинда отам-онам бағрига қайтдим, — дейди Элдор Исомиддинов. — Мақсадим олий ўқув юртига кириб, олий маълумотли мутахассис бўлиш. Айна пайтда эса вақтни беҳуда ўтказмай ўрта махсус мутахассислигим бўйича ишламоқчиман. Шаҳримиздаги 4-болалар мусиқа ва санъат мактабидан йўналишимга мос иш бор экан. Энди мазкур мактабда меҳнат фаолиятини бошлайман.

**Ҳаким ЖўРАЕВ,**  
**«Ma'rifat» мухбири**

## Халқаро гроссмейстер билан учрашув

**Ўзбек хотин-қизлари орасида биринчи бўлиб халқаро гроссмейстер унвонига сазовор бўлган иқтидорли шахматчи Нафиса Мўминова билан байрам арафасида Тошкент темир йўл муҳандислари институтида учрашув ташкил этилди.**

Бугунги кунда юртимизда «ақл гимнастикаси» билан шуғулланувчи умидли спортчи қизлар кўпчиликини ташкил этади. Уларнинг аксарияти «Ўзбекистон ифтихори» Нафиса Мўми-

новага ҳавас қилиб шу спортни танлаган.

“Шахмат — ақл гимнастикаси” мавзусида бўлиб ўтган учрашувда Нафиса болалик чоғларини хотирлаб, 4 ёшида отаси уни шахматга илк бор қизиқтирганини айтиб ўтди.

— Илк бор дадам шахмат тахтасида доналарни тершини ўргатдилар, — дейди Нафиса. — Энди юришларни ўрганиб, тезроқ шахмат ўйнайман деганимда қўлимга шахмат ҳақидаги китобларни тутқазиб, буларни кўн билан ўқиб ўрган, қизим, назариясиз амалиёт муваффақиятли кечмайди, яхши шахматчи бўлишни истасанг, кўп муролаа қилишинг, ўз устингда тинимсиз изланишинг керак, дедилар.

Тадбир сўнггида институтдаги шахмат тўғрагининг 10 нафар аъзоси билан Нафиса Мўминова сеанс ўтказди.

Учрашув талаба-ёшларда катта таассурот уйғотди. Ўқитувчи ва мураббийлар ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол авлодни тарбиялашда спортчилар билан бўладиган бундай учрашувларнинг аҳамияти катта эканини таъкидладилар.

**Одина ҚУЛМУРОВА,**  
**«Ma'rifat» мухбири**  
**В.ГРАНКИН олган сурат.**



## Аёлларни эъозлаш — азалий қадрият

**Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактабида бўлиб ўтган байрам тадбирида юксак билимли ва салоҳиятли кадрларни тайёрлашда муносиб ҳисса қўшиб келаётган хотин-қизлар ва фахрий аёллар байрам билан қутланди.**

— Мамлакатимизда аёлларга, хусусан, ҳуқуқ-тартибот идоралари, шу йўналишдаги таълим муассасаларида ишлаб, халқимиз хавфсизлиги йўлида фидокорона меҳнат қилаётган хотин-қизларга берилаётган эътибордан беҳад мамнун

— дейди мактабнинг хотин-қизлар кенгаши раиси, майор Ҳилола Темирова. — Бундан руҳланиб халқимизга нафи тегадиган етук мутахассисларни тайёрлашда бор кучимизни аямаймиз.

Тадбирнинг бадий қисмида Ички ишлар вазирлиги қоровул кўшинлари ашула ва рақс ансамбли ҳамда мактаб бадий ҳаваскорлар жамоаси томонидан тузилган концерт дастури барчага хуш кайфият улашди.

Тадбир якунида узоқ йиллардан буён мактабда самарали меҳнат қилиб келаётган аёлларга эсдалик совға-лар топширилди.

**Дилшод РЎЗИКУЛОВ,**  
**«Ma'rifat» мухбири**



# КУЧЛИ, БИЛИМЛИ, ДОНО ВА БАХТЛИ АВЛОД

**Фарзандлар камоли ва иқболни кўзлаб, эзгу ниятлар билан яшаш халқимизга хос улуг' фазилат. Авлоддан-авлодга ўтиб, сайқал топиб келаятган бу азалий кадрят мустақиллик йилларида янада бойиб, ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди.**

Истиқлолнинг дастлабки ойларида қабул қилинган ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисидаги қонуннинг биринчи моддасида ёшларга оид сиёсат Ўзбекистон Республикаси давлат фаолиятининг устувор йўналиши бўлиб, унинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида имкони борича тўла-тўқис рўёбга чиқиши учун шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборатдир, дейилади.

Хар қандай мамлакатнинг қудратини белгилайдиган омиллар кўп. Энг асосийларидан бири шу юртда вояга етаётган юксак маънавиятли, жисмонан соғлом, эртанги куннинг ҳақиқий эгалари бўлган баркамол авлоддир. Президентимизнинг истиқлолнинг дастлабки йилларида айтган «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт», деган эзгу ниятлари ўтган давр мобайнида босқичма-босқич ҳаётимизда ўз ижобатини топмоқда.

## Фарзандларимиз биздан кўра кучли...

... Кишлоғимизда футбол ўйнаш учун битта мактаб стадиони ва қирга туташ бир текислик бўларди.

Яқинда қишлоққа бордим. Учта минн-футбол майдони қурилиб, фойдаланишга топширилган, болалар тажрибали мураббий раҳбарлигида миллионлар ўйини сирларини ўрганмоқда.

— Икки нафар ўқувчим «Бунёдкор», биттаси «Насад» футбол клубининг академиясида таҳсил олаяпти, — дейди мураббий фахрлибди.

Ҳаёлим болалик йилларига кетди: Бахтиёр деган тенгдошим футболни жуда яхши ўйнар, унга ҳамма ҳавас қиларди. Келажакда унинг машҳур футболчи бўлишини, у билан фахрланиб юришини истарди. Отаси маҳалла аҳлининг кистови билан ўша пайтдаги етакчи футбол клубига олиб борди.

Мураббийлар уни синаб кўриб, «Зўр! Класс!», дея бош бармоқларини ўйнатибди. «Келажакда яхши футболчи чиқади, ўзимиз сизларга хабар берамиз. Ҳозирча ўглингиз билан қишлоққа қайтаверин».

Орадан йиллар ўтди. Уни ҳеч ким йўқламади...

... Бугун нуфузли халқаро мусобақаларда иштирок этаётган ўғил-қизларимиз сафи тобора кенгайиб, улкор кўлга киритаётган совринлар миқдори кўпайиб бормоқда. Жаҳон миксёсидаги нуфузли спорт мусобақаларида Ўзбекистон вакиллари муваффақиятли иштирок этмоқда. Бир пайтлар спортчиларимиз фақат орзу қилган Олимпиада мусобақалари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида бугун истиқлол фарзандлари — ёш спортчиларимиз совринли ўринларни кўлга киритиши одатий ҳолга айланди.

2013 йилнинг ўзида турли даражадаги халқаро мусобақаларда спортчиларимиз 124 олтин медални кўлга киритган кувонарли. Ёшларимизнинг дунё спорт шохсупаларида туриб, ўзининг шарафига Ватанимиз байроғи ҳилпираётгани, мад-

ҳиямиз янграётганидаги ҳаяжонни ҳис этиш бу — нафақат ўша спортчилар ва уларнинг ота-оналари, балки бутун Ўзбекистоннинг қувончи ва фахридир.

Спортчиларимизнинг 2013 йилги спорт мавсумида халқаро мусобақаларда 276 олтин, 250 кумуш ва 268 бронза медалга сазовор бўлгани ўзбек йигит-қизлари истеъдод ва маҳорат бобида ҳеч кимдан кам эмаслиги ва кам бўлмағлигининг амалдаги ифодасидир.

Кўлга киритилаётган бу галабалар бевосита болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар маҳсулидир. Шу ўринда Президентимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган уч

## Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda

босқичли спорт мусобақалари фарзандларимизни соғлом тарбиялаш баробарида профессионал спортчиларни тайёрлашда муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлаш зарур. Шунинг учун «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт мусобақалари хорижликларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

### Биздан кўра билимли...

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз илм-фани изчил ривожланиб, глобал аҳамиятга эга натижаларга эришиши ва улар асосида энг илғор технологияларни яратиш, амалиётга татбиқ этиш имкони яратилмоқда.

Мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбари томонидан мазкур тизимни замонавий мезонлар асосида юксалтириш йўлида бир қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлари, олиё ўқув юрларида жаҳон тажрибаси инobatга олинган ҳолда, давлат таълим стандартлари асосида ўқитилмоқда. Ёшларимиз учун бир неча хорижий тилни билиш, дунёдаги нуфузли дорилфунунларда таҳсил олиш одатий ҳолга айланди.

Ёшларнинг истеъдодини юзага чиқариш ва уларни рағбатлантиришининг ўзига хос миллий тизими шакллантирилди. Хусusan, олиё ўқув юрлари талабалари учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияси, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Навоий номидаги давлат стипендиялари таъсис этилди. Мактаб ўқувчилари ўртасида мунтазам равишда фан олимпиадалари, турли танлов ва мусобақалар ўтказиш йўлга қўйилди. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 2013—2014 ўқув йилидан бошлаб мактабларнинг биринчи синфдан хорижий тилларни узлуксиз ўқитиш тизими жорий этилди.

Бундан чорак аср олдинги, айниқса, қишлоқдаги болаларнинг машғулотини бир эсга олайлик: мактабдан келиб нонни белига туганча далага ёки молнинг ортидан қирга отланарди, бирор спорт, мусиқа

ёхуд фан тўғараги ҳақида гап бўлиши мумкин эмас эди. Бугунги болалар елкасига спорт сумкасини осиб, у ёки бу спорт машғулотиغا ошқадди, қайсидир тўғаракка борарди ё ҳунар ўрганарди, асосийси, ўз келажиги қандай бўлишини аниқ тасаввур этади.

— Мен яратган роботга компьютер орқали овозда турли топшириқлар берилади. Дунёда овоз орқали бошқариладиган роботлар кўп, лекин улар асосан англиз, немис, япон ва бошқа тилларни тушунар эди. Бу роботнинг афзаллиги — у она тилимиз, ўзбек тилини «яхши билади», — дейди Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети талабаси Олимжон Тўйчиев. — Биз дунё тамаддуни, илм-фани ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк алломалар авлодимиз. Яратиб берилаётган ша роитлар туфайли ана шу улуг' ажодларимизнинг муносиб давомчиси сифатида ўз сўзимизни айтмоқдамиз.

Турли соҳа ва йўналишда ўз истеъдоди ва салоҳияти билан дунё илм аҳлини лол қолдираётган ёшларимиз кўп. Мустақиллик йилларида ўқувчиларимиз турли фанлар бўйича халқаро олимпиадаларда 21 олтин, 51 кумуш, 90 бронза медал, шунингдек, юздан ортиқ дипломга эга бўлгани фарзандларимиз бу борада эришаётган натижалар улуг'ворлигини тасдиқлаб турибди.

### Биздан кўра доно...

Шахмат — нафақат интеллектуал спорт тури, балки мураккаб фан ва жозибали санъат ҳамдир. Шахматнинг ижтимоий мақоми, фалсафий ва психологик масалалари, фанлар билан алоқадорлиги йирик олимлар, нуфузли илмий марказлар томонидан узоқ йиллар давомида атрофлича тадқиқ этилган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, замонавий компьютер ўйини дастурлари ҳам мантиқий фикрлашни ривожлантиришда шахмат билан тенглаша олмайдди.

Шахмат қадимдан ўзига хос ақлидрок ўйини ҳисобланган. Бир асрдан зиёроқ вақтдан буён энг кучли шахматчилар ўртасида жаҳон чемпионати ўтказилиб, голибларга алоҳида эҳтиром ва эътибор кўрсатиб келинмоқда.

Президентимизнинг жаҳон чемпиони Рустам Қосимжоновга йўллаган табригида шундай сўзлар бор: «Ўзининг бетакорор тарихи ва маданияти, ақл-заковати билан асрлар давомида инсониятни ҳайратга солиб келган халқимизнинг юксак тафақури ва интеллектуал салоҳияти мана шу галаба тисмолида яна бир бор ёрқин намоён бўлди». Дарҳақиқат, жаҳон илм-фани равнақиға улкан ҳисса қўшган Ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий сингари буюк алломаларга бешик бўлган бу муқаддас заминдан кучли, билимли ва доно ёшлар етишиб чиқиши табиий-да.

2004 йили ўтказилган жаҳон чемпионатида Рустам Қосимжонов жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлиб, шахмат бўйича юртимизда янги авлод вакиллари етишиб чиқаётганини бутун жаҳонга намоян қилди.

2005 йили Франциянинг Бельфор

шаҳрида бўлиб ўтган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида 15 ёшли Юлдуз Ҳамроқулова 100 дан ортиқ иштирокчи орасида бронза медалга сазовор бўлди. Ўтган йили Нафиса Мўминова ўзбек қизлари ўртасида биринчи бўлиб халқаро гроссмейстер унвонини олди. Эронда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида 6 ёшли Исламбек Синдоров Ўзбекистон ёшлари нималарга қодирлигини яна бир бор намойиш этди: уч йўналиш бўйича ҳам Осиё чемпионлигини кўлга киритди. FIDE президенти Кирсан Илюмжинов «Энг ёш жаҳон чемпиони Ўзбекистонда яшади. У — Нодирбек Абдусатторовдир!» деди.

— Мамлакатимизда эркаклар ва аёллар ўртасида Гран-при турнирлари ташкил этилиши, жаҳон шахмат юлдузларининг юртимизга келиши, ёш шахматчиларимизнинг оламшумул ютуқлари Ўзбекистон шахмати ривожига янги босқични бошлаб берди, — дейди шахмат мураббийи Маматқул Хайлаев. — Натижада олис туман ва қишлоқларда ҳам шахматга қизиқиш кучайди. Фарзандлари ақл-идрок ўйини билан шуғулланишини истаган ота-оналар сафи кенгайди.

### ... ва албатта бахтли

Президентимиз раҳнамолигида яратилаётган шароит ва ғамхўрликлар қобилиятли, салоҳиятли, баркамол фарзандларимиз учун янги имкониятлар эшигини очмоқда. Фарзандларимизнинг фан, таълим, санъат, спорт ва бошқа соҳаларда улкан ютуқларни кўлга киритаётгани ҳақидаги хабарни хар кун эшитамиз, ўзимиз бевосита гувох бўлаемиз.

Ёшлар қачон бахтли бўлади? Қачонки уларнинг ўқиш ва ишлари жойида бўлса, оилалар тўқис ва фаровон бўлса. Шу мақсадда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ёш оилаларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилашга доир кенг кўламли чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилаётгани диққатга сазовордир. Чунончи, Президентимизнинг 2007 йил 18 майда қабул қилинган «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони фикримиз тасдиғи бўла олади.

Мустақиллик йилларида вояга етаётган янги авлод ўзларига билдирилаётган ишонч ва ғамхўрликни теран ҳис қилган ҳолда, халқимиз, Президентимиз ёшларга катта умид боғлаётганини яхши англайди. Улар бу ишонччи аъло ўқиш, илмий-ижодий муваффақиятлар, халқимиз фаровонлиги, мамлакатимиз тараққиёти ва Ватанимизнинг ёруғ истиқбол йўлидаги фидокорона меҳнат билан оқлашга интиломоқда.

Бу авлод тисмолида юксак мақсадларимизга эришиш йўлида том маънода ҳал қилувчи куч, таянч ва сунъат бўлишга қодир ёшларимизни кўриб турибмиз. Президентимизнинг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини яна бир муҳим кафолати бўлди.

Абу Бақир ҲУРОЗОВ,  
— ЎзА шаҳрловчиси



Бироз ҳаяжон, бироз ийманиш билан синфга кириб борар эканман, хаёлимда бу қоракўзлар мени қандай кутиб олишди, деган ўй тинимсиз айланарди. Ўзимни кўлга олиб, ўқувчилар билан саломлашдим. Биринчи марта дарсга кирганим боис, улар билан бирма-бир танишиб чиқдим. Тезда тил топишиб олдик. Вақт ўтиши билан болаларнинг дарсга қизиқиши ошиб бораётганидан қалбим қувончга тўла бошлади.

# «СИЗНИ ҚУТЛАЙМИЗ, УСТОЗ!»

## I congratulate you my teacher

Кечагина ўзим ўқувчи эдим. Гиждувон туманидаги 9-мактабда ўтган ўқувчилик йилларимни эсласам, меҳридарё устозларим бирма-бир кўз олдимдан ўтади. Инглиз тили дарсини, устозим Назира опа сабоқларини интиқлик билан кутардим. Нафақат мактабдаги ўқитувчиларимни, балки Навоий давлат педагогика институтига сабоқ берган устозларим Қаромат Хайдарова, Кўйсин Давлатовани ҳам ширин хотиралар билан эсламан.

Орзум ушалиб, ўзим ҳам устоз деган шарафли номга сазовор бўлдим. Ўқувчиларимга инглиз тилидан сабоқ берар эканман, Президентимизнинг "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори касбимга масъулиятимни янада оширди. Шундай ғамхўрлик ва эътиборга муносиб бўлиш кераклигини ҳис этаман. Шу боис дарсимни ўйин тарзида, интерфаол усуллардан фойдаланиб, қизиқарли ўтишга ҳаракат қиламан. Ўғил-қизлардаги

тил ўрганишга иштиёқни, иқтидорни кўриб яна ҳам руҳланаман. Замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ўтилган дарслар натижасида улар чет тилида ўқиш, ёзиш, эшитиш ва сўзлашни тез ўзлаштирмақда. Хаттоки мустакил равишда инглизча шеър ёдлаб келиб, мени хурсанд қилаётганлари ҳам кўп. Байрамларда ўзбек ва инглиз тилида қувноқ кўшиқлар айтиб, барчани ҳайратда қолдиришмоқда.

Бу йил 8 март байрамини ўқитувчи сифатида илк бор нишонлаяпман. Ўқувчиларимнинг қутлови мени ҳаяжонга солмоқда. Айниқса, инглиз тилидаги табрикларни эшитиб, жуда хурсанд бўлдим. Уларнинг биргина **i congratulate you my teacher** ("Сизни, қутлаймиз, устоз!") деган сўзлари менга бир олам қувонч бахш этади. Аслида, ўқитувчи учун бундан ортиқ бахт борми?!

**Феруза НИЗОМОВА,**  
Чилонзор туманидаги  
200-мактабнинг инглиз  
тили ўқитувчиси

# АЁЛЛАР ҲАР ИШДА ЎРНАК, НАМУНА

Узоққа эмас, атрофимизга синчковлик билан назар солайлик. Эришаётган натижаларимизда аёлларимизнинг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Уларнинг шижоати, иштиёқини кўриб қувонасан, дилинг янграйди. Аёл кириб борманган соҳа, унинг зеҳну заковати билан обод бўлмаган ғўша, ақлу идроки ва меҳри тафтидан нур олиб очилмаган гунча ёки ниҳол йўқ. У — меҳрибон она, доно педагог, кўли енгил шифокор, илғор муҳандис, ташаббускор фермер, тадбиркор иқтисодчи ва изланувчан олима. Кўйинги, аёлларимиз бугун ҳар ишда ўрнак ва намуна. Чиндан ҳам, аёл қадам кўйган жой обод бўлади. Тугунлар ечилади, бағирлар кенгайди. Аёл йўқдан бор қилади, борни кўпайтиради.

Таълим-тарбия тизимидаги фидокорона меҳнатлари туфайли 3352 нафар педагог давлатимиз мукофотлари билан тақдирланган бўлса, уларнинг 7 нафари энг юксак унвон — "Ўзбекистон Қаҳрамони" олтин юлдузига муносиб кўрилди. Мана шу тақдирланганларнинг 4 нафари аёллардир. Улар: Мавлуда Исматова — Тошкент шаҳридаги 273-мактабнинг фахрий ўқитувчиси, Манзура Мадалиева — Қўқон шаҳридаги 10-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Вера Пак — Хива шаҳридаги 20-меҳрибонлик ўйи директори ва Анорхон Маҳмудова — Гурлан туманидаги 5-умумтаълим мактаби директори. Ўқитувчи опа-сингилларимиз ўз кучи ва билими, қалб ҳарорати ва меҳрини келажакимиз эгаларининг таълим-тарбиясига бағишламоқда.

Мактабимизда меҳнат қилаётган 34 нафар педагог аёл ҳам фан сирларини ўқувчиларга маҳорат билан етказиб келаётир. Ёшларга фақат билим бериш, ақлини тўлиқ, зеҳнини ўткир қилиш борасидагина эмас, балки хулқ-атвори инсоний қиёфа касб этиши, меҳр-оқибат, хурмат-эҳтиром, дахлдорлик туйғусига эга инсон сифатида камолга етишига ҳам жон куйдирадилар.

Директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Дилфуза Қамбарова ўқитувчиларимизнинг ижодкорлик билан фаолият олиб боришига ҳамisha бош-қош. У "Йилнинг энг фаол маънавиятчиси" кўрик-танловининг вилоят босқичида фахрли 2-ўринни олди. Мактаб АРМ раҳбари Н.Раҳимова "Йилнинг энг яхши АРМ мутахассиси" кўрик-танловининг рес-

публика босқичида фахрли 2-ўринни эгаллаган. Биология фани ўқитувчиси Нигора Исмоилова "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танловининг вилоят босқичида, шунингдек, рус тили фани ўқитувчиси Раъно Асқарова, бошланғич синф ўқитувчиси Нигора Турсунова, география фани ўқитувчиси Дилноза Ахунова ҳам турли танловларда фаол иштирок этиб, ҳамкасбларининг эътирофи ва оққишига сазовор бўлди.

Хуқуқ фани ўқитувчиси Нафиса Сиддиқованиннг ўқувчиси Дилфуза Маликова билимлар беллашувининг вилоят босқичида 1-ўринни эгаллаб, республика босқичида муносиб қатнашди. Мактабда ташкил этилган "Ораста қизлар" клуби, мактаб хотин-қизлар қўмитаси билан биргаликда оғил борилган ишлар ҳам тахсимга лойик. Хусусан, фаол ўқувчи қизларимиз — Гулнора Раҳимова, Диёра Маликова, Зулфизар Камолиддинова, Саодат Сайдахмедова ўқиш ва изланиш, одобахлоқда барчага намуна бўлиш билан бирга, ноёб қобилият ва истеъдодларини ҳам намойиш этиб келмоқдалар.

Буларнинг барчаси юртимизда хотин-қизларга яратилган шароитлар сабаблидир. Опа-сингилларимиз бундан кейин ҳам давлатимиз томонидан яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланиб, мамлакатимизнинг юксалишига ўз ҳиссаларини қўшадилар.

**Камолиддин ҒОПИРОВ,**  
Ўзбекистон Қаҳрамони,  
Анджон вилояти Шаҳрихон  
туманидаги 53-ИДУМ директори

# БОЛАЛАР ДАВРАСИГА ТАЛПИНИБ

Ўқувчиларнинг мактабдан ташқари бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, бадиий ижодиёт, экология ва ўлкашунослик, техник ижодкорлигини оширишда "Баркамол авлод" марказларининг ўрни беқиёс. Мамлакатимизда 211та ана шундай марказ фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, шу йўналишда меҳнат қилаётган педагог-мураббийларнинг 4 минг 355 нафари турли ёшдаги опа-сингилларимиз эканлиги кишини қувонтиради.

**Асия Ерназарова, Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани "Баркамол авлод" болалар маркази директори, халқ таълими аълочиси:**

— Марказимизда болаларнинг ижодий қобилиятларини ошириш учун барча шароитлар яратилган. 422 нафар ўқувчи дарсдан ташқари бўш вақтига қараб тўғарак машғулотларида илк касбий билим ва кўникмани эгаллайдилар. "Моҳир кўллар", "Мунчоқ беағи", "Дўппидўзлик", "Қўғирчоқ театри", "Ёш мусаввир", "Ёш журналист ва нотик" каби тўғаракларда мураббийлар ўқувчиларни вақтдан унумли фойдаланиб, турли ижод намуналарини яратишга ундайдилар.

Марказимизда кўплаб иқтидорли қизлар тарбияланмоқда. Улар орасида "Камалак юлдузлари" республика болалар ижодиёти фестивалида, "Ёш ижодкор", "Ёш кўғирчоқ театри" республика кўрик-танловларида, "Менинг

оилам" расмлар танловининг республика босқичида совринли ўринларни кўлга киритган қизлар талайгина. Жумладан, "Ёш кўғирчоқ театри" танловида Бўлдигул Аvezова раҳбарлик қилаётган тўғарак аъзолари фахрли учинчи ўринни кўлга киритишди. Шунингдек, Динара Нуриддинова "Бадиий нафосат билимдонлари" кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида иккинчи ўринни эгаллади.

**Гулшод Бобоновова, Самарқанд вилояти "Баркамол авлод" болалар маркази раҳбари:**

— Марказимизда 68 нафар педагог бўлса, шуларнинг 60 нафари хотин-қизлардир. 43та тўғаракда шуғулланаётган 1300 нафар ёшнинг миңдан ортигини қизлар ташкил этади. Биргина марказимиз мисолида ҳам кўриниб турибдики, жамиятимизда хотин-қизларга катта эътибор қаратилаяпти. Шунга яраша опа-сингилларимизнинг

ҳам фаоллиги ошиб бормоқда.

Президентимизнинг "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан инглиз тили йўналишида 5та тўғарак ташкил қилдик. Ҳозирда 100дан ортиқ ўқувчи чет тилларни катта қизиқиш билан ўрганмоқда. Марказ мураббийлари учун ҳам ҳафтаниннг сешанба куни инглиз тили машғулотли ўштириляпти.

Тўғарак раҳбарлари томонидан барча туман "Баркамол авлод" болалар марказларига услубий ёрдам ташкил этилмоқда. Кўнма семинарларда марказ фаолияти, мавжуд ютуқ ва камчиликлар муҳокама этилади. Ҳозиргача 16та туман "Баркамол авлод" болалар марказининг 11таси капитал таъмирдан чиқарилди. Жорий йилда қолган 5та марказдаги шарт-шароитни тўлдирди яхшилаш кўзда тутилмоқда.

Дарвоқе, яқинда марказимизда қизлар учун "Ёш пазанда" тўғараги иш бошлади. Гўзаллик ва нафосат уйғунлашган сана — Халқаро хотин-қизлар кўни арасидаги очилган тўғарак аъзолари сон кўн сайин ортиб бормоқда.

**Салима Носирова, Бухоро вилояти "Баркамол авлод" болалар маркази ходими:**

— "Баркамол авлод" марказида ўқувчиларнинг бўш вақти нафақат мазмунли ўтади, балки улар бу ерда касб-ҳунарга йўналтирилиб, ҳозирги вақтда ёшлар ҳаётига ҳавф ва таҳдид солаётган "оммавий маданият" тасирларидан ҳам ҳимоя қилинади. Бунинг учун болада хоҳиш-истак бўлса, 6наш, тўғарак раҳбарлари уларни санъат, касб-ҳунарга ва техника олами сари етаклаб, соҳаниннг сир-синаотидан бо-хабар этадилар.

Мен раҳбарлик қилаётган "Тасвирий санъат" тўғарагида 30 нафар ўқувчи белгиланган жадвалга мувофиқ машғулотларга қатнайдилар. Ранглар қуршо-вида қолган болакай дам хаёл суриб, дам қаламини қоғоз узра юргизиб, ҳақиқий мўъжиза яратади. Ўқувчиларимнинг қандайдир манзара ёки ҳолатни ўхшатиб чизганидан мутаас-сир бўламан. Бу эса бераётган сабоқ-ларим исзис кетмаётганидан далолат. Ўтган ўқув йилида ёш расмолардан икки нафари — Шоҳинур Маҳмудова ва Санжар Холиқов "Камалак юлдузлари" кўрик-танловининг республика босқичида биринчи ўринни кўлга кирит-ганида мендан бахтиёр аёл йўқ эди дунёда. Ахир, биз, аёлларнинг бахти-ни ўғил-қизларимиз муваффақиятидан айро тасаввур қилиб бўлармиди?

**Ҳасан МҮМИНОВ**  
ёзиб олди.

**Ватан тақдирига дахлдорлик энг улуг туйгулардан. У инсонни изланиш, меҳнат қилиш, камолот пиллапояларидан шахдам одимлашга ундайди. Бу туйғуни қалбига жо этган йигит-қизлар орасида Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳиби Дилноза Каттахонованинг ўзига хос ўрни бор.**

— Мустақиллигимизга тенгдошлигимдан фахрланаман, — дейди иқтидорли қиз. — Тошкент шаҳрида дунёга келганман, болалигим, ўқувчилиги йилларим Кўқонда ўтди. Бу латиф шаҳарнинг сувини ичиб, кўнглимда илмга, адабиётга меҳр шаклланди. Шу қизиқиш туйғуларини Кўқондаги 41-мактабда ўқиб юрган кезларимда шаҳар телевидениесининг болалар кўрсатувида бошловчилик қилдим. Мактабни тамомлаб, шаҳардаги 1-академик лицейга кирганимда мақсадим ойдинлашди, хорижий тилларни пухта ўрганиб, шу йўналишда илмий изланиш олиб боришни ният қилдим.

Дилноза лицейда ҳам пешқадам ўқувчи бўлиб, устозлари назарига тушди. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкил этган “Қизлар давраси”, “Дунёни беринг болаларга!”, “Ўзбекистон — Ватаним менинг” сингари кўплаб кўрик-танловларда фаол иштирок этиб, ғолиб бўлди. Ўқишдаги муваффақиятлари боис Фарғона вилоят таълим ва фан ходимлари касабга уюшмасининг стипендияси билан рағбатландирилди.

Ун етти ёшида изланувчан қизнинг ҳаётида унутилмас воқеа юз берди. Президентимиз қарорига биноан Дилноза Каттахонова Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди. Ушанда унинг юрагидан кечган ҳаяжон, ифтихор, Президентимиз ва халқимизнинг юксак ишончини оқлаш туйғуси иқтидорли талабани бугунги ютуқлари сари етаклагани шубҳасиз.

2010 йили Дилноза академик лицейини муваффақиятли тамомлаб, Ўзбекистон Миллий университетининг хорижий филология факультетида имтиёзли тарзда давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинди. Айни пайтда у университетнинг 4-курс талабаси.

— Университетдаги таҳсил ҳаётимда улкан юксалишлар палласини бошлаб берди, — дейди Дилноза. — Бу ерда ўзим қизиққан хорижий тилларни назарий жиҳатдан пухта ўрганиш баробарида, турли халқаро конференциялар, анжуман ва тадбирларда таржимонлик қилиб, олган билимларимни амалиётда мустаҳкамлаётиман. Ўттизга яқин илмий мақо-

лаларим республика ва халқаро илмий-амалий конференциялар тўғрисида, илмий журналларда чоп этилган. 2012 йили декабрь ойида Москвада бўлиб ўтган «Илмий мувоҳаза: филология, санъатшунослик ва маданиятшунослик масалалари» номли халқаро илмий-амалий анжуманида “Инглиз тилида нореаллики ифодаловчи лингвистик воситалар” мавзусидаги маърузам билан иштирок этиб, махсус сертификат билан тақдирландим. Утган йили Ўзбекистон Миллий университети стипендиясига сазовор бўлгандим. Жорий йилда эса Президент стипендияси совриндорлари қаторида эканимдан бахтиёрман.

Интилувчан талаба айни пайтда “Инглиз тилидаги нореаллики ифодаловчи лингвистик воситалар ва уларни ўзбек, рус тилларига таржима қилиш



## «ТОПЕИ БАЛАНД ЮРТ ФАРЗАНДИМАН!»

масалалари (бадий матнлар мисолида)” мавзусида илмий изланиш олиб бораёпти.

— Мавзунинг долзарблиги бугунги кунда инглиз тилидаги нореаллики ифодаловчи турли воситаларни ўзбек ва рус тилларига аниқ таржима қилиш эҳтиёжи билан боғлиқ — дейди Дилноза. — Бу тилдаги лингвистик воситалардан ҳар бири ўзига хос маънога эгалиги боис комплекс таҳлил қилиш ҳамда муайян тизимга солиш йўналишида жиддий изланаялман. Илмий раҳбарим, филология фанлари номзоди, доцент Яна Арустамян тавсиялари билан нореаллики ифодаловчи воситаларни икки гуруҳга — грамматик ва лексик воситаларга ажратган ҳолда қиссий таҳлилларни амалга ошираялман. Илмий ишим моятини кенгроқ ёритиш мақсадида таниқли инглиз ёзувчи-

шоирлари асарларидан фойдаланаялман. Бундан ташқари, изланиш жараёнида экспериментал таржима усулини қўллаб, инглиз тилидаги асл матнда учрайдиган нореаллики ифодаловчи воситаларнинг бадий таржимасини ўз вариантимида келтирганман. Келгусида бу йўналишдаги изланишларни давом эттириб, илмий тадқиқотимни магистратурада, докторантурада давом эттириш ниятидаман. Изланишларим асосида таржима ҳам алоҳида санъат эканини пайқадим ва бу йўналишда дастлабки қадамларни қўйишга улгурдим. Айни пайтда инглиз тилидаги бадий асарларни она тилимизга ўгираялман.

Дилноза изланишлари моятини ҳақида сўз юритар экан, юртимизда хорижий тилларни ўрганиш борасида ёшларга

яратилаётган имкониятларни алоҳида эътироф этади.

— Юртимизда чет тилларни ўрганиш имконияти йилдан-йилга кенгаймоқда, — дейди иқтидорли ёш тадқиқотчи. — Президентимизнинг “Чет тилларни ўрганиш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди. Ушбу қарорга мувофиқ барча мактабларда 1-синфдан болаларга инглиз тилини ўқитиш йўлга қўйилди. Хорижий тилларни ўрганишга кўмаклашувчи болалар кўрсатувлари эфирга узатиляпти. Чет тилини ўқитиш тизими тубдан ўзгарди: олдин биз кўпроқ назарий жиҳатдан ўрганган бўлсак, ҳозир амалиётга катта эътибор қаратилмоқда. Энди ўқувчи-ёшлар, талабаларнинг чет тилларни билиш даражаси янги тизим асосида аниқланади. CEFR имтиҳонларида эшитиш, ўқиш, ёзиш ва гапириш кўникмалари алоҳида баҳоланади. Бу ёшларни чет тилларни янада чуқурроқ ўрганишга ундайди ва келажақда, албатта, ўз самарасини беради. Таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишларни ёш тадқиқотчи сифатида қузатар эканман, мазкур ислохотлар дунёнинг ривожланган мамлакатлари ёшлари билан тенгма-тенг, керак бўлса, улардан ҳам пешқадам бўлиб, билим ва истеъдодимизни намоян ётишга замин яратаятганга ишонч ҳис қиламан.

Дилноза серкўра истеъдод соҳиби. Ўқишдан бўш вақтларида спорт билан шугулланади. Соғлом ҳаёт тарзига қатъий амал қилади. Бадий гимнастика ва тренажер машғулотларига мунтазам қатнашади. Иқтидорли қиз бу борада ҳам салмоқли ютуқларни қўлга киритган. Стол тенниси бўйича “Камолот” маликаси” мусобақасида биринчи ўринни эгаллагани фикримизнинг ёрқин исботидир.

**Хайридин МУРОД,  
“Ma'rifat” мухбири**

## БИЛДИРИЛГАН ИШОНЧНИ ОҚЛАЙМИЗ

**“Ўзбекистон — бахтиёр ёшлар мамлакатаи. Президентимиз Ислom Каримов томонидан кўрсатилаётган чексиз меҳр ва эътибор биз, ёшларга янгидан-янги имкониятлар эшигини очмоқда”.**

Камолитдин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти дастгоҳли ва китоб графикаси йўналиши магистранти, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендиати Чарос Пайзиеванинг ушбу сўзлари мамлакатимизда яратилган имкониятлардан самарали фойдаланаётган ёшларнинг фикрини ифодалайди, десак бўлади.

Мамлакатимизда таълим тизимининг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилди. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа қатор ҳужжатларнинг ҳаётга татбиқ этилиши ёш авлодга замонавий таълим-тарбия бериш, уларнинг интеллектуал салоҳияти ва иқтидорини юзага чиқаришда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 6 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ёшлар-

га оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида ҳам юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган йигит-қизларни вояга етказиш, юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда уларнинг фаол иштирокини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Юртимизда ўз билими, иқтидори билан жамиятда муносиб ўрнини топаётган, тенгдошларига ибрат бўлаётган истеъдодли ёшлар жуда кўп. Айни пайтда юзлаб истеъдодли қизлар турли ижодий танловлар, лойиҳалар, грант дастурларида совринли ўринларни қўлга киритмоқда. Улар томонидан олиб борилаётган илмий изланишлар нафақат мамлакатимиз, балки хорижий давлатларда ҳам эътироф этилмоқда.

Чарос Пайзиева тасвирий санъат-



нинг миниатюра йўналишида ижод қилади. Ўқишда қатор ютуқларга эришаётган бу қиз рассомлик йўналиши бўйича мамлакатимиз ҳамда халқаро миқёсда ўтказилаётган турли кўрик-танловлар, кўрғазмалар ва

маданий-маърифий тадбирларнинг фаол иштирокчиси.

Ёш мусаввирнинг “Она ва бола — гул билан дoла”, “Оролни асранг”, “Темурийлар сулоласи”, “Бешикдаги гўдак”, “Истиклол гўнчалари”, “Елканлар остидаги болалик”, “Хайкалча” каби асарлари Германия, Италия, Миср, Туркия, Чехия, Ҳиндистон, Қозоғистон, Япония каби давлатларда ўтказилган кўрғазма-танловларда совринли ўринларни эгаллагани унинг ёрқин истеъдодидан далолатдир.

— Жорий ўқув йилида маданият, санъат ва спорт мутахассислиги бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияси соҳиби бўлганим менга катта қўғайрат бағишлади, — дейди Ч.Пайзиева. — Биз, ёшларга яратилаётган кенг имкониятлардан унумли фойдаланиб, келгусида тасвирий санъат соҳасида янада улкан ютуқларга эришишга ва билдирилган ишончни оқлашга ҳаракат қиламан.

**Барно МЕЛИКУЛОВА,  
ЎЗА мухбири**



# БАХТЛИ БЎЛИБ ЯШАЙВЕРИНГ БАХТИМИЗГА

Эрта тонгдан шивалаётган ёмғир қалбларга ўзгача илиқлик бахш этмоқда. Борлиқ ўз гўзаллигини намойишлишига тараддулланаётди. Ёмғир томчилари янгиланиш фаслига қадам қўяётган борлиқнинг чанг-ғуборларини юваяпти.

турли соҳаларда самарали меҳнат қилаётган аёллар, маҳалла фаоллари, хотин-қизлар кўмиталари аъзолари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорла-

фарзандига бўлган меҳрмуҳаббат, садоқат акс этиб турган Бахтиёр она қаршисида ҳурмат бажо келтиришди.

— Юртимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан бошимиз осмонда, — дейди Хоразм вилояти Янгібозор тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мутахассиси Гулнора Йўлдошева. — Байрам муносабати билан пойтахтимизга келиб кенг бунёдкорлик ишларини кузатдик, диққатга сазовор жойларни кезиб, юртимизнинг ҳар бир гўшасида янгиланиш, яшариш рўй бераётганига яна бир бор амин бўлдик.

Кучоғи гулга тўла, юз-кўзида ҳаётдан мамнулик акс этиб турган аёлларга қараб, осмон мусаффо, юрти тинч ўлкага байрамлар ярашади, дегинг келди.

**Назокат ХОЛМЕТОВА,**  
**«Ma'rifat» мухбири**

## БАХТИЁР ОНА ҚАРШИСИДА

Мустақиллик майдони. 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан бу ерга юртимизнинг ҳар бир худудид

ри, иқтидорли талаба-қизлар таширф буюриб Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйишди. Юзларида



## ШАҲАРЛИК МЕҲМОНЛАР ҲАЙРАТИ



**Зангиота туманидаги намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган замонавий уй-жой мавзеси исмига монанд «Обод турмуш» маҳалла фуқаролар йиғини худудид**

тилган шароитлар билан танишиш мақсадида бу маҳаллага таширф буюрдилар.

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни байрами муносабати билан юртимизнинг ҳар бир худудидан таширф буюрган меҳмонлар замонавий уй-жойларда оилалар, айниқса, аёллар учун яра-

тилган шароитлар билан танишиш мақсадида бу маҳаллага таширф буюрдилар. Маҳалла аҳли меҳмонларни ўз хонадонларига тақлиф этди. Ҳовлига қадам қўйган ҳар би киши иморат орзу қилса арзийдиган кўркам, қулай, шинам эканига ишонч ҳосил қилади.

Хонадон эгаларидан бири Шарофат Шодиқужаева меҳмонларни уй ичкарасига бошлайди. Авваллари шаҳарликлар

ҳаётига ҳавас қилган опаниғ турмуш шароити бугун шаҳарлик хонадон соҳибаларининг ҳам ҳавасини келтирди.

— Илгари тор ва кўрimsиз уйда яшардик, — дейди Шарофат она. — Ўчоқбоши, тандирхона ҳовлининг турли томонида бўлгани учун куни билан рўзғор юмушларининг унуми, бизнинг эса тинимимиз бўлмасди. — Илгари тор ва кўрimsиз уйда яшардик, — дейди Шарофат она. — Ўчоқбоши, тандирхона ҳовлининг турли томонида бўлгани учун куни билан рўзғор юмушларининг унуми, бизнинг эса тинимимиз бўлмасди. Бундай шинам уйларда яшаш бахти ҳар бир инсоннинг онгу шуури, дунёқрашида кескин ўзгариш содир этиб, ҳаётдан мамнулик, розилик, эртанги кунга бўлган ишонч туйғуларини тобора кучайтирмоқда.

**МУХБИРИМИЗ**

## ШЕЪР ВА ГУЛ КАЙФИЯТНИ КЎТАРДИ

Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги 60-мактабгача таълим муассасасига таширф буюрган меҳмонларни болажонлар баҳор, она табият, гуллар ҳақидаги шеърлар билан кўтиб олдилар. Улашилган гуллар эса баҳорий кайфиятни янада кўтариб юборди.

МТМда болаларнинг соғлом ва баркамол улғайиши учун яратилган шароитлар билан

танишиш жараёни қизгин савол-жавобларга улашиб кетди. Таълим муассасаси ҳовлисидаги саришталик, хоналарнинг болалар ёшига мос тарзда безатилгани турли гўшалардан келган меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Тарбиячилар қўл меҳнати билан яратган кўрғазмали воситалар, жонли табият бурчаги, спорт майдончасидаги шароит ҳавас қилса арзигулик.

Ташриф давомида меҳмонлар гуруҳлардаги «Сехрли кум», «Шифобахш сув» машғулотларини кузатишди. Мактабга тайёрлов гуруҳидаги математика дарси, спорт залидаги жисмоний машғулотлар ҳам барчага маъқул бўлди. Болажонлар намойиш этган сахна кўринишлари ва концерт дастури билан меҳмонлар кузатиб қолинди.

**Шоҳиста ШАҲОБОВА**



## БОЛА СОҒЛОМ БЎЛСА, ОНА БАХТИЁР

Табият ва аёл қалби ҳамоҳанг. Ёмғир шигалаб ёғиб турган бўлса-да, байрам арафасида пойтахт бўйлаб сайр қилиб юрган бу мунис опсингилларнинг диллари кўёшдек чароғон.

Меҳмонлар Мирзо Улуғбек туманида жойлашган 5-сонли шаҳар болалар клиник шифонасига ҳам ана шундай кайфиятда кириб бордилар. Шифо маскани ҳовлисида экилган анвоий гуллар қалбларга баҳор нафасини улашмоқда. Бош шифокор Дилором Давлетова меҳмонларни кўтиб олиб, болажонларни соғломлаштириш учун яратилган шарт-шароитлар билан таништирди.

Ушбу шифо маскани 130 ўринга мўлжалланган бўлиб, 2011 йили қайта реконструкция қилинган. Замонавий таъхис қўйиш асбоб-ускуналари, янги жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган рентген хонаси, жонлантириш бўли-

ми, физиотерапия хонаси, лабораторияда яратилган шароитлар сўнгги пайтларда тиббиёт соҳасига қаратилган эътибордан дарак бериб турибди.

Ҳар бир палатада даволанаётган она ва бола ўзини шифонада эмас, ўз уйда ётгандек хис қилиши учун барча шароитлар муҳайё.

— Бу ерда яратилган шароитларни кўриб, барчамиз қувондик, — дейди Самарқанд вилояти Пастдаргом тумани тиббиёт бирлашмасининг бўлим бошлиғи Феруза Мустафонова. — Мамлакатимизда «Соғлом она — соғлом бола» дастури асосида олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Аёл қачонки фарзанди соғлом бўлса, ўзини бахтиёр хис қилади. Шундай экан, ҳар биримизнинг оиламиз тинч, фарзандларимиз соғ-саломат бўлиб улғайсин!

**Н.БАХТИЁРОВА**

## АЁЛ БОРКИ, ОЛАМ МУНАВВАР

— Уч йилдан буён Турон яққакураши билан шуғулланаман, — дейди спортчи Фаҳриддин Расулов. — Бу спорт тури билан шуғулланишимга онам сабабчи бўлганлар. Илк бор спорт мактабига қўлимдан етаклаб келганлар. Қайси мусобақа-

да иштирок этмай, онам доим ёнимда қўллаб-қувватлаб турадилар. Утган йили Самарқандда бўлиб ўтган мусобақада фахрли ўринни қўлга киритганимда ҳам онам ёнимда қўллаб турдилар.

Байрам арафасида Хо-

тин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан Учтепа туманидаги «Журжоний» маҳалласида жойлашган болалар спорт мажмуаси ва 26-болалар ва ўсмирлар спорт мактабига таширф буюрган меҳмонлар Фаҳриддин сингари кўплаб ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланаётганига гувоҳ бўлдилар. Оилаларни, айниқса, қизларни спортга жалб этиш мақсадида амалга оширилган ишлар, яратилган шароитлар билан танишдилар. Уғил-қизларнинг гимнастика, Турон яққакураши, футбол, баскетбол, қаратэ бўйича кўрғазмали чиқишлари меҳмонларнинг баҳорий кайфиятини янада кўтариб юборди.

**Нигина ХҲАЕВА**



## БАҲОР ФАСЛИНИ АЁЛГА МЕНЗАЙДИЛАР. САБАБИ — БАҲОР АЁЛ КАБИ ГЎЗАЛ, МАФТУНКОР. УНДАН ЯШАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШ НАФАСИНИ ТУЙИШ МУМКИН.

Ўзбек онаси, ўзбек аёли бир қўли билан бешикни тебрата, бир қўли билан дунёни тебратади. Бугун юртимизнинг ҳар бир гўшасида аёллар байрами кўтаринки кайфиятда нишонланмоқда.

Ўзбекистон давлат консерваториясида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Таълим, фан ва маданият ходимлари қасаба уюшмаси марказий кенгаши ҳамкорлигида «Аёл борки, олам мунаввар» мавзусида байрам тадбири ўтказилди.

Тантана куй-қўшиқлар садоси остида бошланди.

## АЁЛ ДУНЁНИ ТЕБРАТАДИ



Эл суйган санъаткорлар иштирокида аёли мадҳ этувчи қўшиқлар янгради. Сўзга чиққанлар юртимизда аёлларга кўрсатилаётган эътибор ва буни улар қўлга киритаётган ютуқларда кўриш мумкинлигини таъкидлашди. Шундан сўнг

таълим, фан, маданият ва санъат соҳасига улкан ҳисса қўшган бир гуруҳ хотин-қизлар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Феруза ХОЛМУРОДОВА,**  
**«Ma'rifat» мухбири**



**Меҳр тафтида гуллаган чечак**

Болакай тўрт тарафи қиру адирларга туташган сўлим қишлоқда яшайди. У жонидан ортиқ кўрадиган бу маскан баҳорда шунчалар чиройли бўлиб кетадики, сайр қилиб тўймайди. Хўв кўриниб турган тоғ чўққиларидаги оппоқ қор хали-вери эриммаган бўлса-да, йўл бўйлари алвонранг қизғалдоқларга тўлиб кетади. Фақат таровати бу томонларга сал кечроқ етиб келади-да... Унга онажонлар байрами ўлиб кетади. У эса бу айёмда онасига гул совға қилишни жуда-жуда истайди.

Бу йил ораси ушаладиган кўринади. Яқинда мактабдан қайтаётиб қишлоқ этагидаги катта тош орасида буй кўрсатиб қолган бойчечакни кўриб қолди. Суюниб кетганидан ногаҳон эсадиган шамолу кутилмаганда қўйиб қолиши мумкин бўлган ёмғирлардан пана бўлсин, дея атрофини ихоталаб кўйди. Кунда-кунаро хабар олди. "Бай-

кўйди. "Кампирим билан қарийб эллик йил яшадик. Бечора сира "чарчадим", демай, тонгдан шомгача гулхонадан чиқмай, ёнимда туриб менга кўмаклашди. Кези келганда, бозорма-бозор юриб гул сотишди. Пулидан уйлар қурдик, тўйлар қилдик. Лекин бирор марта: "Мана бу сенга", дея кўлига гул тутмабман-а!". Отахон ана шу хаёлда гулзор томон қайта бурилди-да, энг чиройли атиргулни авайлабгина қирқиб олди.

— Момоси, бу гул сенга, бугун байрам!

Чолининг кутилмаган илфотидан момо олдинга нима дейишни билмай, сўзсизгина термулиб қолди. Унинг қароқлари тўла ёш эди. Отахон унинг бу ҳолатини кўриб юрагини недир ўртаётганини, аламлари бўғзига тикилганини туйди. Шу тонда чолининг кўнглидан бир дунё гап ўтди: "Шу биرونда атиргул сени бу қадар суюнтиришни билганимда аллақачонлар совға қилган бўлардим. Балки шунда соҳларингга кечроқ оқ тушармиди, юзин-

**ЁНИНГИЗДАГИ АЁЛ**

*Ҳар бир инсонни она дунёга келтиради. Унинг меҳри билан вояга етган фарзандлар бутун миллатнинг таянчига, ўз ватанини гуллаб-яшнатувчи, ривожлантирувчи кучга айланади. Аёл зоти, аввало, меҳри туганмас она, муносиб жуфт, жон-жигар опа-сингил бўлиб, ёнингизда юради.*

**Ҳасанбой Абдуназаров, Кўкон давлат педагогика институтининг «Умумий биология» кафедраси ўқитувчиси:**

— Сойшилдир қишлоғида яшовчи аёллар онам Тўлғоной опани оғзидан бол томиб макташса, бир қарич ўсгандек бўламан. Улар кўпинча онанинг хокисорлиги, мулоимлиги ва беозорлигини эътироф этадилар. Ахир, қайси фарзанд ўз онаси ҳақида илиқ гап эшитса, гурурланмайди, дейсиз. Чиндан ҳам, бу йил 68 ёшни қарши олаётган онам отам билан бирга 8 фарзандни меҳнаткаш, билимли ва хунарманд қилиб вояга етказди. Опа-сингил, ака-укаларим қатори онам менинг ҳам ҳаётда ўз ўринини топишим, оққорани, яхши-ёмонни ажратилишим учун соғлигини, куч-қувватини сарфлади. Баъзан ажин кўнган мунис чеҳрасига, оқ толалари тобора кўпайиб бораётган соҳларига тикилиб, мушқулни нисон қила олдимми, дилига озор етказган дамларим бўлмаганим, дея ўйланиб қоламан. Онасини рози қилган, унинг дуосини олганлар кам бўлмаслиги, иши бароридан келиши ҳақида ўқганим бор. Улуғ сиймо — она ўз фарзандига фақат яхшилик тилаши, унинг ютуқларидан қувонишига гувоҳ бўлмаган фарзанд, эҳтимол, топилмас.

**Dil izhori**

лими аълоҳиси» кўкрак нишони берилганда барчамиз қувонганим.

Ҳар кўни эрталаб ишга шошарканман, нонуштамиз тайёр, кийим-кечаклар тоза-озода, дазмолланган, ҳаттоки оёқ кийимимиз ҳам ярақлаб туради. Кечқурун ишдан қайтсам, ҳамма ёқ саранжом-саришта, баъзан қуюқ, баъзан суюқ таомни хуш кўриб тановул қиламан. Аёллар ҳаммасига қандай улгурар экан, дея ажабланиман баъзан. Аёлнинг нозик жуссасида кундалик ҳаётни ташвишларни ёнгилга қодир илоҳий куч бордирки, барчасининг улдасидан чиқади. Шунинг учун ҳам биз уларга таъзим қилишимиз, асраб-авайлашимиз, қадрини баланд қўйишимиз керак.



**Улуғбек Ҳамидов, Кармана туманидаги «Олтин водий» маҳалла фуқаролар йиғини раиси:**

— Ҳар йили 2 март куни биз, 7 фарзанд онамнинг туғилган кунига тўплаганамиз. Бу йил онам Сайёра аянинг 73 ёшга тўлганини нишонладик, совға-саломларимизни улашдик. Кўп йиллар 5-мактабда ўқувчи бўлиб ишлагани учун бўлса керак, икки опам ва бир синглим онамнинг изидан кетди. Катта опам Дилбар 5-умумтаълим мактабиде инглиз тилидан дарс бермоқда. Ундан кейингиси Машхура 25-мактабга таълим муассасасини бошқариб келяпти. Синглим Юлдузхон Ҳамидова 25-маҳсус мактаб-интернатда дефтолоқ. Туғилган опасингилларимнинг таълим соҳасида ишлаётганидан биз, ака-укалар фахрланамиз. Айниқса, имконияти чекланган болалар билан ишлаш педагогдан катта сабр-тоқат талаб қилишини синглим Юлдузхондан эшитиб, буни юракдан ҳис қиламан.

**Бегимқул Абдурахимов, Кўшработ тумани тиббиёт бирлашмасининг техника хавфсизлиги бўйича муҳандиси:**

— Эрак киши — кўчанинг одами, ўз оиласини моддий жиҳатдан таъминлашга масъулдир. Агар унга оқила, саранжом-саришта, тadbirkor ва тежамкор аёл жуфт бўлса, ўша хонадонда тотувлик ва барқарорлик ҳукм суради. Турмуш ўртоғим Гулнора Жўраева билан оила қурганимизга 28 йил бўлди. Уч нафар — бир ўғил, икки қизни тарбиялаб вояга етказишда, топилган даромадди расамади билан жой-жойига тақсимлашда, уй-жойимизни замонавий қилиб тиклашда, жиҳозлар билан таъминлашда, умуман, рўзгор ободлиги, саранжом-саришталлиги, оиламиз фаровонлигида Гулноранинг ўрни ва ролини ҳамиша ҳис қилиб келмоқдаман. У педагог оиласида туғилиб, тарбиялангани учун ҳам инсоний фазилатларини кўп қузатганман. 81-умумтаълим мактабиде ўқувчиларга математика фанидан билим бериш билан бирга аниқ фанлар бўйича олий ўқув юртига тайёрланаётган абитуриентлар билан қўшимча машғулот ўтказишга ҳам вақт топади. Бундан бир неча йил муқаддам унга «Ўзбекистон халқ таъ-

**КЎНГИЛГА ТАШРИФ**

рам тонгиде яшнаб очилса эди", деган ширин ният билан уйкуга кетди ҳар оқшом...

...Сақизинчи март тонги отди. Болакай уйғонганида қуёш аллақачон кўкда нур таратиб турар эди. Уқиши йўқлиги учун онаси уни уйғотишга кўзи қиймаган, чоғи. Бола шотишга юз-қўлини ювди-да, қишлоқ этаги томон югурди. Чоққиллаб бораркан, "Гулим очилган бўлсин-да, ишқилиб", дея шивирлаб кўярди...

Ўғлининг ўрни бўлишидан ташвишланиб дарвозадан ён-атворга аланглаётган она дилбандининг кўллари тупроқ, тирноқлари лоғга тўлиб, бойчечакни бағрига босиб жилмайиб келаятганини кўриб кўзлари ёшланди. У дунёдаги энг бахтиёр инсон эди шу келчада!

**Кечиккан атиргул қувончи**

Собир ота умр бўйи гулчилик билан шуғулланди. Унинг иссиқхонасию ховлисида кишин-ёзин анвойи рангларда очилиб, кўрган кўзни қувнатадиган турфа гуллар не-не жойларда манзур бўлмади, дейсиз! Хунарини ўғли, набиралари давом эттиришайтир. Отахон эса уларга йўл-йўриқ кўрсатиб туради, холос. Лекин бир одатини сира ташламайди: ҳар куни саҳарда гулзорни, албатта, оралаб чиқади.

Бу тонг ҳам иссиқхона томон юраркан, яқинда уйланган набирасининг атиргуллардан саралаб, қирқиб олаётганини жимгина кузатиб турди. Йигит гулдастани тўйиб-тўйиб хидлаганча, хонаси томон буриларкан, ногаҳон бобосини кўриб қизариб кетди: "Келингишга, бугун байрам-ку", деди нигоҳларини ердан узмай.

— Болам, шу ховли-жой сизларники. Келин ўзи келиб хоҳлаган гулини узиб олавермайми? — деди отахон. — Ўзига қайси ёқса, дейман-да, — қўшиб қўйди яна.

— Бобожон, мен совға қилганим бошқача-да, — деди набираси хижолатомуз. — Кўнгил-да...

Йигит узр сўраб хонасига кириб кетди-ю, отахонни жигарбандининг "Кўнгил-да..." деган сўзи ўйлантириб

гдаги ажинлар буй кўрсатишга бу қадар ошиқмасмиди? Шунисиға ҳам минг шукр!..

**Бугуним сизники, онажон!**

...Ҳайдарали Ҳаловат аянинг ёлғиз фарзанди. Аёл эрининг вафотидан сўнг жигарбандини ҳеч қимдан кам қилмай улғайтирди, ўқитди, касб-корли қилди. Ўғил ҳам шу меҳнатларга муносиб инсон бўлиб етишди. Ишхонасида ҳам ўзига яраша обрў-этибори бор. Рўзғори тинч, топарман-тутарман. Лекин кейинги пайтларда онаси билан камдан-кам суҳбатлашадиган, доим банд ишбилармонга айланиб қолган. Аяни ҳеч нарсага зориқтириб қўймаётгани рост. Аммо онаизор дилбандининг меҳрига тўймаяпти. Ҳар куни мўлтираб ишдан қайтишини кутади. Ҳайдарали эса алламахалда чарчаб уйга кириб келаяди-да, овқатланиб ётоғига кириб қолди.

— Ойижон, ўғлингиз «Аямдан секин сўраб бил-чи, байрамга нима олиб берсам экан. У кишини жудаям хурсанд қилгим келаяпти», дедилар. Узимиз олаверсак ҳам бўларди-ю, гапларини айтаялман-да...

— Болам, менга унинг дийдоридан ширин, бебаҳо нарса йўқ. Ич-ичимда нимадир бўзлайди. Олдингидай тўйиб-тўйиб суҳбатлашгим, дардларимни айтгим келаяди. Бошқа ҳамма нарса бисёр, — деди ая келиннинг нигоҳларидан ёшга тўла қароқларини олиб қочишга уриниб. — Шукр, набираларим атрофимда парвона, бироқ ўғилганимнинг ўрни бошқа-да...

Оқила келинчак қайнонасининг бу сўзларини эрига етказаркан, беихтиёр йиғлаб юборди:

— Ахир, бир кун келиб сизу биз ҳам қариймиз!

... Ҳайдарали бу йил 8 мартни бошқача қарши олди. Ишхонадаги ҳамма юмушларини орта сурди. Байрамдан бир кун олдин бозорлик қилди-да, байрам тонгиде онасининг хонасига бир даста гул билан кириб борди:

— Онажон, бугунги куним сизники!

**Ойбуви ОЧИЛОВА**





# АНИҚ ТАНАЛАНГАН КАСБ

Юқори синфга ўтганимизда математика фани охириги соатларга қўйиларди. Сабаби, ўқувчилар учинчи ёки тўртинчи соатлардан сўнг дарсдан қочиб кетишарди. Математика қўйилган куни эса ҳеч ким уйига кетиб қолмасди. Чунки математика ўқувчимиз дарсни шу қадар қизиқарли олиб борардики, маҳлиё бўлиб қоларди. У доскада геометрик шакллардан жуда чиройли тасвирлар яратарди. Мактабни тамомлаш чоғимизда ўша ўқувчимиз: «Хар бир инсон ўзи меҳр қўйган соҳада ишлагина, касбидан лаззат туйди, ишида унум ва баракани бўлади, сизлар ҳам ўзингиз сеvgан касбни танланг», деган эди. Бу сўзлар сира ёдимдан чиқмайди.

Яқинда қўшимизнинг ўғли мактабни тамомлайди. Ундан қайси касбни танлаётганини сўрадим. У: «Ўзим математикага

## Битирувчининг келажagini белгилайди

га қизиқаман. Банк соҳасида ўқиб, шу соҳада ишламоқчиман. Лекин ота-онам темирўлчи бўлишимни хоҳляпти. Қанча уринмай, уларни фикрдан қайтаролмайман», деди.

Бугунги кун ёшлари ўз фикрларига эга. Мактабни битириш арафасидаги ўқувчиларнинг қизиқиши, келгусида танламоқчи бўлган касбига иқтидори мактаб психологлари томонидан ўрганилиб, чуқур таҳлил этилаётгани, бу боронада ёшларга ва уларнинг ота-оналарига тушунтиришлар берилётгани янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, Ҳамза туманидаги 204-мактабда ўтказилган «Касбим — фаҳрим» мавзусидаги тадбир ҳам битирувчиларга касб танлаш борасида тўғри йўналиш берганлиги билан ота-оналар

ва ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди.

— Ўқув йили давомида касбга йўналтириш ойлари белгиланган бўлиши билан, феврал «Қишлоқ ва сув ҳўжалиги» ойлги деб эълон қилинган, — дейди Ҳамза тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ташхис марказининг психологи Икром Мўминова. — Битирувчилар мактаб психологлари томонидан ўзлари танлаган касбларга оид савол-жавобдан ўтади. Агар боланинг фикрига ота-она қарши чиқса, улар билан алоҳида суҳбат ташкил этилади. Битирувчининг лаёқати, билим даражаси ҳамда танланган касбнинг афзалликлари тўғрисида сўз юритилиб, аниқ мақсадлар белгила олинади.

Тадбирда Ҳамза туманидаги умумтаълим мактабларининг ўқитувчи ва психологлари иштирок этди. Битирувчилар турли слайдлар, саҳна кўринишлари воситасида ўз танлаган касблари ҳақида янги маълумотларга эга бўлдилар.

Йигилишда Бобур, Ҳамза, «Бирлашган», «Парвоз», «Арслонобод» маҳаллалари раислари, маслаҳатчилари ва ота-оналар қатнашдилар.

— Бу йил мактабимизни 185 ўғил-қиз битираяпти. Улардан 21 ўқувчи академик лицейларга, 164 ўқувчи касбухона коллежларига йўланма олди, — дейди 204-мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Шоира Каримбердиева. — Турли сўрновномалардан битирувчиларнинг солиқни сак-

лаш, компьютер дастурчилиги ва чет тилига қизиқишлари баландлигини аниқлади. Ҳар ойда «Очқ эшиклар куни» тадбири доирасида лицей ва коллежларга савҳатлар уюштирарми. Бунда ўқувчиларимиз таълим масканидagi шарт-шароитлар, ўқув жараёнлари билан яқиндан танишдилар.

— Қизим шифокорлик касбини танламоқчи, — деди Моҳия Мусурмонова. — Мен мактаб маъмурияти билан тез-тез учрашиб, сўрновномаларда қатнашиб тураман. Ўзим ўқитувчи бўлсам-да, қизимнинг шифокор бўлишига қаршилиқ қилмадим. Сабаби — унда биология ва кимё фанларига қизиқиш кучлигини ўқитувчилари ҳам айтмоқда.

Юртимизда хар бир фарзанднинг қамолу учун қилнаётган бундай савҳатлар ёшларимизнинг ёруғ келажагига хизмат этиши шубҳасиз.

**Феруза ХОЛМУРОВА,**  
**«Ma'rifat» мухбири**

**Касб ўрганиш иштиёқидagi қизларнинг дастгоҳда гилам тўқини кузатамиз. Иплар бир текис бўлиб сафланади. Қизларнинг нозик бармоқлари бир маромда ҳаракатлангани сайин чиройли нақшлар ҳосил бўлади. Қизлар гоҳи-гоҳида катта дафтарга чизилган нақш чизмаларига қараб олишади.**

— Ҳафсала билан ҳаракат қилинлар, — дейди тўқувчилик ишлаб чиқариш таълими устаси Мехрибон Ҳайитова. — Мехрингизни қўйиб, ҳавас ва ихлос билан тўқинг...

Жун илдан бир зумда 20x20 см ҳажмдаги гиламча дунёга келади.

— Энди гиламчанинг икки томонидан ҳиллаб турадиган ипларни тўқиб чиқамиз, — дейди 3-босқич ўқувчиси Райхон Матназарова. — Гилам ҳиллаб турадиган ипларни тўқиб чиқамиз, — дейди 3-босқич ўқувчиси Райхон Матназарова. — Гилам ҳиллаб турадиган ипларни тўқиб чиқамиз, — дейди 3-босқич ўқувчиси Райхон Матназарова. — Гилам ҳиллаб турадиган ипларни тўқиб чиқамиз, — дейди 3-босқич ўқувчиси Райхон Матназарова.

— Биринчи босқичда ўқитган Маҳбуба Жуманиёзованинг ҳунарга ихлоси баланд, — таъкидлайди Мехрибон Ҳайитова. — Ўзи мустақил равишда гилам тўқини сирларини қисқа фурсатда ўзлаштириб олаёттир. Берилган вазифани Назокат ҳам яхши бажарди, Севара ҳам...

Тўқувчиликни қизиқиш билан ўрганаётган ўқувчи қизлар жуда кўп. Уларга техника хавфсизлиги қоидалари ҳақида хар куни тушунча берилади. Тўқувчилик хонасида иккита катта, битта кичикроқ дастгоҳ жойлашган. Катта дастгоҳда энди тўқиб бошланган гилам кўзга ташланади. Коллежнинг 90 нафар ўқувчиси тўқувчилик бўйича сабоқ олмақда.

— Гилам тўқини учун жун ил бош хомийимиз саналган «Хоразм гиламлари» корхонасидан берилади, — дейди турли хилдаги ипларга назар солганлигимизни сезган Мехрибон Ҳайитова. — Катта эмас, 20x20, 20x30 см ҳажмда гилам, гоҳида худди шундай ҳажмда палос ҳам тўқиймиш. Ҳозир қизларимиз эни 1 метр, узунлиги 1,5 метрлик портрет гиламларни тўқини ҳам ихлос билан ўрганаёттилар.

2x2,5 метр ҳажмдаги эсдалик совғаси, яъни сувенир сифатида тўқилган гиламларни кўлга оламиз. Жуда қалин! Қалинлиги 2 см.ни ташкил этадиган, машиналарнинг ўриндигига, креслоларга, стулларга ташлаб қўйса ҳам бўладиган гиламчаларнинг нақшлари жуда гўзал.

Гиламларда кўҳна ва навқирон шарҳнинг асрий манзаралари, Ҳўжаминор тасвири, мовий осмон, Паҳлавон Маҳмуд мақбараси кўзга ташланади. Турфа хилдаги турфа ҳажмдаги гиламларни тўқитган уста ва шогирдларнинг

ишлари кўнгилни қувонтиради.

— Ўн илдан буён шу соҳада фаолият юритаман, — дейди М.Ҳайитова. — Жуда кичкиналимдан, 6 ашар пайтидан бошлаб гилам тўқини ишқим тушган. Чунки онам моҳир гиламдўз бўлган. Ҳозир ҳам уйда «Хоразм гиламлари» корхонасида касаначилик бўйича меҳнат қилаяпти. Онам Дурдупошша Омонованинг шогирдлари жуда кўп. Ҳунар одамни улуглайди, шарафлайди. Ҳунар ўрганган одам ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмайди. Ўқувчи қизларга ҳам шуни тақдорлашдан эринмайман. Хива гиламларини



хатто хорижда ҳам севиб харид қилишади...

Гандимиён қишлоғидagi «Хоразм гиламлари» МЧЖга яқин жойлашган «Хивагиламчи» коллежи ўқувчилари дипломолди амалиётини мазкур корхонада ўташади. Амалиёт даврида бир тўқувчига икки нафар битирувчи бириктириб қўйилади. Устоз-шогирдлик худди мана шундан бошланади. Мазкур масъулияти чекланган жамият коллежга зарур бўлганда ҳомийлик қилади, ҳамкорликда фаолият юритади. Корхонага тўқувчилар, ил йигирувчилар зарур. Дипломолди амалиётини бажарётган битирувчига алоҳида рағбат ва эътибор кўрсатилишининг боиси ҳам шунда.

— Биз коллеж ўқувчиларини ўқини тугатиб, ишга бorganдан сўнг тўппа-тўғри дастгоҳга ўтириб йигириш ва тўқини ишларини аъло даражада бажариб кетадиган мутахассис қилиб тайёрлашга интиляямиз, — дейди коллеж директорининг касбий таълим бўйича ўринбосари Разноҳон Абжанова. — Ўқувчиларимиз тўқини жараёни-

ни тўла ўзлаштириб олаёттилар. Аввало, жунни тозалашади, ювишади, тарашади, тасма ҳолига олиб келган, пиликляшади. Кейин йигирув ускунасига беришади. Ҳафтада икки марта 6 соатдан амалиётда бўладиган ўқувчилар учун МЧЖнинг ўзига махсус ўқув хонаси жиҳозлаб қўйилган.

Коллежда 478 нафар ўғил-қиз касбухона ўрганмоқда. Бешта йўналиш бўйича ўқувчиларга ҳунар сирлари назария билан амалиёт уйғунлигига ўргата борилади. Тикув ва тикув-трикотаж ишлаб чиқариш, ил-йигирув, кенг ассортиментда кийимларни лойихалаш ва моделлаштириш, тўқимачилик маҳсулотлари ҳамда гилам ишлаб чиқариш техникаси ва технологиялари бўйича мутахассислар тайёрланаётган даргоҳнинг фаолияти жуда қизиқарли.

Тикувчилик йўналишида таҳсил ола-

## Milliy dastur — amalda

ўқувчиларнинг амалиёти учун хомашё маҳсулотлари қаердан олинади?

— Хомашёни Қўқон шаҳридаги «Камолот — келажак ёғдуси» корхонасида оламиз, — дейди Р.Абжанова. — Янги ўқув йилида 4 млн. 306 минг сўмлик трикотаж ҳамда газлама маҳсулотлари келтирилди. «Тикув ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш техник ва технологи» гуруҳидagi йигитлар эса тикув машиналарини тузатиш борасида билим олишади. Бундан ташқари, бўлгуси чеварлар ва технологиялар тумандаги «Чевар», «Сиддик-жон бобо» хусусий корхоналарида амалиёт даврида тажрибаларини бойитиб, туман ҳокимлиги қошидаги касаначиликни ривожлантириш уюшмасининг устахонасида ҳам дипломолди амалиётини ўташади. Тикувчиликка ихтисослашган корхоналарда бўлгуси чеварлар хонкўрпа, халқ тили билан айтганда, ёйма тиқини ҳам ўрганмоқдалар. Бу кўрпалар юртдошларимиз томонидан мамнуният билан харид қилинади.

Коллежнинг битта синфидa вақтинча қўлда тўқин дастгоҳи ўрнатилган. Бу ускунада тўқувчилар хар ил бичимдаги ва ҳажмдаги пайпоқ, кофта, шарф, болалар учун шапка, турли хилдаги қўлқоплар, эркаклар учун энгсиз нимча тўқини ўрганишаёттир. Хуллас, ёш тўқувчилар соҳанинг барча йўналишидан боҳабар бўлишапти.

Битирувчи ёшларни суҳбатга чорлаймиш. Уларнинг келажакдаги орзуният ва мақсадлари билан қизиқамиз.

— Тикувчилик бўйича яхшигина тажрибага эга бўлдим, — дейди 3-босқич ўқувчиси Мадина Аҳмедова. — Коллежни тугатган, имтиёзли кредит олиб мустақил фаолият бошлаш ниятидаман. Коллежда аёллар ва эркаклар кўйлақларини, эркаклар шимини тиқини ҳам ўрганиб олдим. Мақсадим — хусусий корхона очиб, элимизга дизайн жуда гўзал, миллий қадриятлар мужассамлашган янги моделларни яратиш тақдим этиш. Келажакда билимларимни пойтахтимиздаги олий таълим муассасаларида янада мустаҳкамлашни ният қилганман.

Коллеж битирувчиси Севара Ҳожиева гиламчилик фаолиятини ривожлантириш учун банкдан имтиёзли кредит олишни режалаштирганини айтди. Гилам тўқини сирларини эгаллаб олганидан мамнун. Хуллас, коллеж ўқувчилари «Ўрганганимиз — ўзимизга» широрига амал қилган ҳолда имкониятлардан унумли фойдаланишапти.

**Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА,**  
**журналист**



Биз Дурдона билан Тил ва адабиёт институтига ишга келган куни танишганмиз. Самимий табассуми беғубор қалбининг кўзгуси эди. Аслида, шеърят беғубор, покиза юракда кўз очади. Унга мухлис бўлганимиз боис, ички бир туйғу билан Дурдонанинг шеър ёзишини сезганмиз. «Шеър ёзасизми?» деган сўроғимизга ўта камтарлик билан: «Ҳа, ёзиб турар эдим...» деб жавоб берган.

Қисқа вақт ичида илмий салоҳияти, теран фикрлари, лингвистик қонуниятларни кўра олиши билан эътиборга тушди. Игна билан қудуқ қазिश заҳматларини чекиб, 5 жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати», «Ўзбек тили ўқитишларининг изоҳли луғати» каби луғатларнинг муаллифларидан бири сифатида танилди. Бугун олима докторлик диссертациясини ёклаш арафасида...

Дурдонанинг «Сўзга айланган юрак» («Фан», 2013) тўпламидаги шеърларини ўқир экансиз, ўзингизни бир боққа кириб қолгандай ҳис қиласиз. Таниш гуллар, таниш ранглар, таниш ифорлар. Лекин боғнинг қутлиммаган жойларида тасодифан сиз ҳали ҳеч қаерда кўрмаган ўзгача ранглар эътиборингизни тортади. Беихтиёр кўзларингиз қувнаб, унга эгиласиз ва ўзгача муаттар бир ифор димоғингизга урилади. Руҳиятигизни ҳаяжонга солади. «Сўзга айланган юрак»нинг шаклу шамойили ва ифорини туясиз.

Дурдонанинг шеърлари ўзига хос ташбеҳлари, туйғуларнинг софлиги, табиийлиги, самимият уфуриб турганлиги билан ўқувчи диққатини тортади; у залворли «қадим сўзлар» нафасини туяди:

*Энасой бўйлариди  
Битиктошлар тирилди.  
Қадим сўзлар жаранги  
Қулоғимга урилди.  
Йўлағ Тигин сўнг сўзини  
Уяр тошининг юзига.  
Ёниб қулоқ тутаман  
Аждодларим сўзига...*

Шоира Усмон Носир китобига бағишланган шеърда сўзнинг яна бир ўзгача таърифини келтиради:

*Қўлларимни китобмас,  
Қуйдиар чанқоқ тилак.  
Қўлларимда типирлар  
Сўзга айланган юрак.*

Шоира сўз юракда тутаб ётмаслигини истайди, бунинг учун ҳақиқат биздан, мулоҳазалардан кучли бўлиши жоиздир:

*Сўз юракда тутаб ётмаса,  
Хижил бўлиб бирор кимсадан.  
Биздан кучли бўлса Ҳақиқат —  
Кучли бўлса мулоҳазадан.*

Шеър — юракнинг маҳсули. У «юракда кўз очади», шеърда «юрак сўзга айланади». Шундай экан, Дурдонанинг шеърларидаги яна бир тимсол — юрак.

Юрак қайғуни ёқтирмайди, у



## “ЖИСМИДА ЎТ КАБИ ЁНАР СЎЗ...”

шодликни хуш кўради. Лекин шодликдан кўра кўпроқ қайғуга дуч келади. Шунинг учун ҳам шоира юракка: «Сен қайғуга бермагил ҳеч гал, Осмон қўшиқларин айтгани маҳал», дея мурожаат қилади. Умуман, Дурдонанинг шеърларида юракка мурожаат кўзга ташланади:

*Юрагим, заминнинг  
дардакиши бўлгин,  
Юрагим, дунёнинг  
қўшиғига тўл.  
("Чексиз зулмат аро...")*

*Юрак, йиғла, айро тушдинг  
Бир сеҳрли наводан...*

(“Қушлар кўкда оҳ урарлар...”)

«Юрак сукунатдан кўрқади». Бу — шоиранинг хулосаси. Сукунатда юракнинг дук-дук уриши, яъни овози оламни булзувди бўлади. Гўё «юрак дунё сари қоқади эшик».

Муаллифнинг фикрича, қуй ҳамиша таскин беради. Шунинг учун ҳам қўшиқ, қуйсиз қолмаслигини тақдирдан илтижо қилади. «Ўткинчи, ҳаммаси ўткинчи» мисраси билан бошланган шеър

ри, айниқса, ўқувчининг ҳам юрагини ҳаяжонга солади:

*Ҳа, билдим, ҳаммаси ўткинчи.  
Ва лекин... юракнинг ўтинчи  
Ўткинчи эмас-ку, ўткинчи.  
Бечора юракнинг ўтинчи...*

Юрак севинчга эҳтиёжманд. У ҳаётдан севинч излайди. Лекин Юракнинг топган «севинчи ҳам изтиробга қорилган». Ўртаниш, изтироб унинг қисматидир.

Ер ўз ўқи атрофида айланганидек, «Вужуд куррасига Ер ўқи мисол Мен ўз юрагини қўймоғим

керак», дер экан, инсон ўз ўқи бўлган юрагининг атрофида айланиши лозимлиги таъкидлангандай.

Дурдонанинг шеърларида борлиқни ҳис қилаётган шахснинг ўзига хос нигоҳини ифодаловчи мисралар мавжуд: **Қўлларимда типирлар Сўзга айланган юрак; «Чирт»** узилиб, тўкилган япроқ **Мавжлантирар қўлмак туйғуни; Инсон яшаб келяпти, ахир, Ақл билан қалб орасида; Субҳидамда хонамга Шамол кирди хўрсиниб; Шеър — асли юракнинг элчиси; Жисмида ўт каби ёнар сўз...**

Дурдона қўз манзараларидан илҳомланади: «Офтоб товлаган боғлар ҳазон япроқларнинг маскани»га айлангани, безовта дилга сокин, ўйчан хаёллар сасини қуяётган қўз мудроқ уйқуни қўшиқ қилаётгани, чирт узилиб тўкилаётган япроқнинг қўлмак туйғуни мавжлантириши ва «изтиробга қорилган севинч» бўлиб «шеър кўз очаётгани» шеърхонининг юрагига ҳам шу фаройиб фасл руҳини олиб қиради.

Япроқнинг узилиши шоира наздида сўнгги умид тимсоли бўлиб туюлади. Чунки «Қўз оғочин шохларида ёлғиз япроқ»нинг ҳазон бўлиб тўкилиши умр ниҳоясига қийёсланади:

*Қўз оғочин шохларида  
ёлғиз япроқ,  
Совуқ шамол жисмингизга  
солур титроқ.*

## Mutolaa

*Ҳазон бўлмақ бу —  
табиат ҳукми, бироқ  
Сиз узилманг, сиз узилманг,  
япроққинам!..*

*Узилсангиз... бу қўшиқ ҳам  
адо бўлмай,  
Ер осмондан, осмон Ердан  
жудо бўлмай.  
Юракларда бир умрлик  
нидо бўлмай,  
Сиз узилманг, сиз узилманг,  
япроққинам!*

Узилиш арафасида турган япроққа «сиз» деб мурожаат қилиш орқали шоира унга гўё тириклик бахш этишни истаётгандай... Чунки у «умрнинг тўкилиши»дан юрак олдириб қўйган. Дунёдаги энг оғир йўқотишни бошидан кечирган. Навқирон ёшида фарзандидан ажралган. Фарзандининг вафоти муносабати билан ёзилган марсия ҳар қандай бағритош инсонни ҳам қайғуга солади. Онаннинг қалб тубидан отилиб чиқаётган фарёд халқона бир руҳда шеърга кўчган:

*Ўлмасанг, алдайин  
йигит бўлардинг,  
Қундайин кулардинг,  
ойдек тўлардинг.  
Тенгқурларинг билан  
ўйнаб-қулардинг,  
Бўй етиб, бир қизни  
суймаган болам,  
Қувёлик тўини  
киймаган болам.*

Тўпламга сўзбоши ёзган таниқли адабиётшунос олим, филология факультети доктори Иброҳим Ҳаққулов ўз фикрларини: «Сўз ҳаёти ва маъни сир-асрорини Дурдона бугун жуда яхши англайди. Шунинг учун ушбу китобчани мен олдин бошланган Қўнғил ишининг яна давом топишига ишонч уйғутувчи бир мажмуа деб ҳисоблайман», деб тугатади. Биз ҳам олимнинг фикрларини қўллаб-қувватлаган ҳолда, шуни айта оламизки, Дурдонахоннинг қалб қасрида дунёга келган инжа сатрлар шеър ихлосмандларининг қалбига маҳрами асрор бўлгусидир.

Соряхон **ОТАМИРЗАЕВА,**  
Халима **ЙЎЛДОШЕВА**

## СЕЗДИНГИЗМИ, БАҲОР КЕЛДИ!

Қўнғил қувончларга тўлди, Юракларда орзу қулди. Қалдирғочнинг қанотида Сездингизми, баҳор келди!

Қизлар яноғида қулғу, Йиғитлар қалбида туйғу, Кўкда куёш қулиб, лейди: — Сездингизми, баҳор келди!

Куртаклар ҳам кўзин очди, Юракдаги сўзин очди, Ҳаёл кенгликларга қочди, Сездингизми, баҳор келди!

Турмушимиз обод бўлди, Хаста диллар ҳам шод бўлди, Сўзларимиз баёт бўлди, Сездингизми, баҳор келди!

Назира **БОЙМУРОВОВА**

## ТАБРИК

Кўкдан ерга юборилган малакдирсиз, Ғазалдирсиз, гўзалсиз, оқ билакдирсиз. Боқиб турсам, ҳар бир ишда сариштасиз, Фарштасиз, ошиқ дилга тилакдирсиз.

Оналарим, опаларим, сингилларим, Десам, ажиб титраб кетар ўнгириларим. Бир қулсангиз, дунёларим яраб кетар, Сайраб кетар юракларим, қўнғилларим.

Қулолингиз не қўшган-а лойингизга, Бахтлар келгай қадам қўйган жойингизга. Оёғингиз ўпсам арзир ҳам бу фарздир, Жаннат ўзин тўшаб қўйган пойингизга.

Шахтлар қилдик, ажойиб бир аҳдлар қилдик. Қўнғилимизда сизга атаб тахтлар қилдик. Сизсиз керак эмас, билинг, у тахт бизга, Тотмагай ҳам, ботмагай ҳам ҳеч вақт бизга. Қалбимизни эзгуликка ўргатиб сиз, Бахтли бўлиб яшайверинг бахтимизга.

Жўрабек **ЖАҲОН**

## СОҒИНЧ

Онам ёдга келгани ҳамон, Кўз олдимга келар Бухоро. Нур ичида яшайман шу он, Нур ичирар менга Бухоро.

Аллалайди руҳимни соғинч, Шамоллари сочим тарайди. Бунда ҳар не, ҳар битта оғоч Онам бўлиб ҳолим сўрайди.

Эътиқоди бутун бобомдек, Савлат тўкиб турар Минора. Қари толлар ҳали қадди тик, Йўлга қараш билан овора.

Онам нонлар ёпган тандир ҳам Бағри қуйиб пиширар қулча. Чойга тушган «меҳмон»ни онам Кўзларига суртмасча бунча.

Соғинчларим тугамас ҳеч ҳам, Юз-кўзимга берурман орч. Сиз билмайсиз, Чунки бу кеч ҳам Тушга кирар Онам, Бухоро.

Амина **КОДИРОВА**



**Zizil atirgul muhabbat, sariq atirgul baxt-omad, pushti atirgul hurmat, oq gullar esa mehr hamda do'stlikni ifodalaydi. Xrizantemalar do'stlik munosabatlari, quvnoq kayfiyat, rostgo'ylik ramzi hisoblanadi. To'q sariq rangli nilufarlar nazokat, sariqlari betakrorlik ma'nosini beradi.**



Олимларнинг таъкидлашича, бугунги кунда гулларнинг 270 минг тури маълум. Айрим манбаларда гулли ўсимликлар бундан 130 миллион йил илгари очик уруғли ўсимликларнинг дастлабки «аждод»ларидан тарқалганлиги айтиб ўтилган. Бундан бир неча минг йил муқаддам гулларнинг айримлари хонакилаштирилиб, алоҳида парваришлана бошланган. Хусусан, чиннигул 2 минг йилдан бери дунёнинг турли ҳудудларида парвариш қилиб келинади. Кейинчалик Жанубий Европа ва Голландияда кенг тарқалган турларидан намуна олиниб, унинг манзарали навлари яратилган. Хурсандчилик ва бахт улашувчи хризантема ("октябрь гули" сифатида ном қозонган) 2,5 минг йил муқаддам ilk бор Хитойда ўстирилган ва 1795 йили Англияга олиб келинган. Хризантема Японияга милодий 400 йили келтирилиб "қуёш гули" номи билан аталган. Маълумот ўрнида шуни айтиб ўтиш керакки, Японияда ҳар йили 9 сентябрда бу гул шарафига анъанавий фестивал ўтказилади.

Кўпчиликнинг севимли гули ҳисобланмиш орхидея ҳақида тўхталадиган бўлсак, унинг номи юнончадан олинган бўлиб, "туҳум" маъносини англатади. У XIX асрдан кенг етиштирила бошланган. Бугун унинг шоколад тайёрлашда қўлланилувчи, хушбўй ифор таратувчи навлари ҳам бор. Ёмғир мавсумида тез кўпайишга мойил мойчечаклар ўзининг шифобахшлиги билан ажралиб туради. Бундан ташқари, жуда кўп соҳаларда, хусусан, тиббиёт (атиргул С витаминига бой) ва косметика маҳсулотлари (атиргул мойи, совун, парфюмерия маҳсулотлари)ни ишлаб чиқаришда кенг қўлланиладиган атиргуллар ҳам ўзининг ифори билан донг таратган. Биологлар унинг бундан 200 миллион йил илгари Ер юзюда пайдо бўлганини аниқлашган. Осиёда эса 5 минг йилдан бери етиштириб келинади. Дунёда энг кўп сотиб олиннадиган ва совға қилинадиган гул сифатида эътироф этиладиган атиргулларнинг шу кунгача 1500 тури маълум. Бу гуллар катта-кичкилиги, ранги, ҳиди, пояда жойлашиши, гуллаш даври, тик ёки чирмашиб ўсиши каби хусусиятлари билан фарқ қилади. Ҳаттоки атиргулнинг баъзи навлари гулбаргларидан гулқанд, мураббо қилинади. Франция, Болгария, Туркия, Италия каби мамлакатларда эса унинг айрим навларидан қимматбаҳо эфир мойи олинади.

Тоғларда кўп учратиш мумкин бўлган лолалар эса бундан бир неча минг йил илгари ёввойи тарзда Шарқ мамлакат-

ларида ўсган. Буюк ватандошимиз, моҳир саркарда, шоир Мирзо Бобур унинг 33 турини ҳисоблаб чиққан. Кўпгина тадрихий манбаларга кўра, 1600 йилларда айна пайтда «лोलалар ўлкаси» дея аталувчи Голландияда улар ҳатто олтиндан ҳам кўпроқ қимматга эга бўлган.

Бугунги кунда дунёда энг кичкина гул сифатида диаметри 1 мм. бўлган Ароид (Agaveae)лар оиласига мансуб сувда ўсувчи митти гулни айтиш мумкин. Энг каттаси эса Индонезиянинг Суматра оролида ўсувчи раффлезия арнолдидир. Унинг диаметри 91 см., оғирлиги эса 11 кг.ни ташкил этади. Бундан ташқари, Мексика кактуслари танасида 200 литр сув сақлаб олиш хусусияти билан ажралиб туради.

Ёшу қарига бирдек манзур бўлувчи гулларнинг бугунги кунда янгидан-янги навларини яратиш, ифорлар олиш мақсадида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Гуллар бизга нафақат ифори, таровати билан, балки улардан кундалик турмушимизда фойдаланадиган озиқ (асал, мевалар), дори, бўёқчилик (ранг олинади), тўқимачилик маҳсулотлари олинаши билан ҳам қадрли. Бундан ташқари, улар соатлар ихтиро қилинмасдан олдин кун вақтини аниқлашга хизмат қилган. Швед ботаниги Карл Линней эса уларнинг турли вақтларда очилиш хусусиятидан фойдаланиб, бо-

қир-адирларда, боғларда гул сайилларини уюштириб, оила аъзолари ва яқинлари хурсандчилигига шерик бўлади.

**МАНА СЕНГА ОЛАМ-ОЛАМ ГУЛ...**

Гуллар бизнинг ҳиссиётларимизни ўз яқин кишимизга осон ва аниқ ифодаловчи воситадир. Кимгадир гул совға қилишда унинг ёши, касби инobatга олинади. Масалан, ёши улуг инсонларга кўпроқ гулнинг тўқ ёки жуда оч ранглиси танланиб (масалан, оқ, бинафша, тўқ сарик,



(алоэ, плюш, аспарегус каби) турларга бўлинади.

**Мана, орзиқиб кутган баҳор фасли ҳам юртимизга ўз таровати билан кириб келди. Шарқ халқларида "Баҳор элчиси" дея аталадиган бойчечак кўкка аста бўй чўза бошлади. Турфа гуллардан таралаётган хушбўй ифорлар эса кишига ўзгача кайфият улашади. Ҳақиқатан ҳам, гуллар инсонга баҳорий, байрамона руҳ улашувчи асосий восита.**

**ГУЛГА ТЎЛСИН, БУТЎН ОЛАМ!**

таник гулсоат яратган. Қадимда об-ҳаво ҳақида таҳминий маълумот берувчи акация даррахтининг гулига асаларилар кўп келиб кўнса, ёғингарчиликка ҳозирлик кўрилган.

Айни вақтда гулчилик кўпгина мамлакатлар иқтисодийтининг муҳим тармоғини ташкил қилади. Жумладан, Голландия лола, нилуфар, сунбул гулларни етиштиришга, Германия атиргул ва чиннигулни саноат усулида етиштиришга ихтисослашган. Дунёнинг қатор мамлакатларида гуллар билан боғлиқ маросимлар уюштирилади. Хусусан, Грецияда сунбул, Японияда хризантема, Францияда марваридгул, Ҳиндистонда атиргулларга тааб турли-туман фестиваллар ташкиллаштирилади. Халқимиз ҳам баҳор келиб, гул ва чечаклар айна очилган чоғда тоғ бағрида,

албатта, ёрқин рангли гуллар ҳам), безатишда оддийликка алоҳида эътибор берилади. Кичик ва ўрта ёшларга ёрқин рангдаги, масалан, пушти, қизил, сарик ва бошқа рангли гуллардан тортиқ этилади. Аёллар ва эркекларга гул танлашда алоҳида-алоҳида жиҳатлар эътиборга олинади.

Лолаларни сотиб олишда гўнчалари тўлиқ очилиб улгурмаганига эътиборни қаратиш лозим. Сабаби улар иссиқ хонага кириши билан тез сўлиши мумкин. Нилуфаргулнинг гўнчалари очилмаганини харид қилган мақсадга мувофиқ, Чунки нилуфар гулдонга солиниши билан очила бошлайди. Лолаларни бандидан узилгандан сўнг узоғи билан уч кундан етти гача сақлаш мумкин. Улардан фарқли равишда хризантемалар 3 ҳафтага қадар ўз чиройини йўқотмайди.

Совға қилиб юборилган гулларнинг қандай маъно ифодалашини уларнинг ранги айтиб туради. Масалан, қизил атиргул мухаббат, сарик атиргул бaxт-omad, пушти атиргул хурмат, оқ гуллар эса mehr ҳамда дўстликни ифодалайди. Хризантемалар дўстлик муносабатлари, қувноқ кайфият, ростгўйлик рамзи ҳисобланади. Тўқ сарик рангли нилуфарлар назокат, сариклари бетакrorлик маъносини беради. Гул маъноларини аниқлаштириб бериш билан флориграфия соҳаси шугулланади.

**ХОНАКИ ГУЛЛАРИНИ ПАРВАРИШЛАШ**

Табиаат, ўсимлик дунёсини ўрганиш хонаки гулларнинг дунё бўйлаб кенг тарқалишига сабаб бўлди. Ер шарининг барча ҳудудларидан келтирилган турли манзарали гуллар маданийлаштирилиб, хонадонларда парваришлана бошланди. Илмий тадқиқотларга кўра, гуллар хона шароитида бундан 4000 йил илгари етиштирила бошланган. Олимларнинг таъкидлашича, кўпгина ўсимликларда хона шароитида тез кўпаядиган зарарли микроорганизмларни ўлдирувчи хусусият мавжуд. Ҳатто шундай турлари ҳам борки (масалан, кактус, семизўт, каланхоэ), улар компьютер, электр асбоблари билан кўп ишлайдиганларни электромагнит майдон таъсирдан сақлайди.

Улар уй ҳавосини тозалаш билан бирга, киши руҳиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.


Хонада гул парвариш қилармоқчи бўлган киши, аввало, унинг қаердан келтирилганини — асл ватанини билиши керак. Ўсимлик ҳақида умумий билимга эга бўлгандагина уни тўғри парвариш қилиш мумкин. Хона шароитида ўстириб парвариш қилинадиган гуллар ўз хусусиятидан келиб чиқиб ёруғликини севувчи (герань, кўнгирочка, кактус, афеляндра кабилар), соясевар (папоротник, традесканция, аспидистра, кливия, рускус ва бошқалар) ва сояга мослашувчан





**БИОҚУВВАТЛАГИЧ ШАКАРДАН ТОК ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ**

**Виржиния политехника университети (АҚШ) олимлари шакардан энергия олиб ишловчи янги қувватлагич лойиҳасини ишлаб чиқашди. Янги маҳсулот аънанавий литий-ионли қувватлагичлардан фарқли равишда кўпроқ электр энергияси ишлаб чиқариши мумкин. Бу эса келгусида энгил вазнли электрон қурилмалар ишлаб чиқаришга хизмат қилиши мумкин.**



қувватлагичлар яратилиши билан замонавий смартфонлардан одатдагидек бир-икки кун эмас, балки ўн кунгача фойдаланиш имконияти юзага келди.

«Nature Communications» илмий журналида келтирилишича, мазкур қувватлагичларнинг шакардан электр энергияси ишлаб чиқариши метаболизм жараёни ҳисобига рўй беради. Яъни, шакарнинг ферментлар ёрдамида углевод диоксидига парчаланиши ва сувдаги эркин электронлар орқали электр энергия ишлаб чиқарила бошлайди.

Биоқувватлагичнинг яна бир устун томони шундаки, ундан ҳеч қандай зарарли кимёвий моддалар ажралиб чиқмайди. Лойиҳа иштирокчиларидан бири Чжигуанг Жунинг таъкидлашича, мазкур

**БОЛАЛАР САЛФЕТКАЛАРИ АЛЛЕРГИЯ САБАБЧИСИ**


**Дерматологларнинг огоҳлантиришича, болалар салфеткалари тери билан боғлиқ муаммоларга сабаб бўлиши мумкин. «The Sydney Morning Herald» нашрининг хабар беришича, бундай салфеткалар таркибидаги антибактериал суюқлик терида дерматитнинг ривожланишига олиб келиш эҳтимоли юқори. Бунга унинг таркибидаги метилизотиазолинон консерванти сабаб бўлади.**

Дерматолог Розмари Никсон томонидан Австралиядоги икки йирик болалар шифохонасида тўпланган маълумотларга кўра, ўтган 2013 йилда бу каби маҳсулотлар 11,3 фоиз ҳолатда терида турли нотабиий реакцияларни вужудга келтирган. Бу кўрсаткич 2012 йилда 8,4, 2011 йилда эса 3,5 фоизни ташкил этган. Ушбу рақамлар гўдаклар орасида аллергик хаста-



ликларга чалиниш ҳолати ортиб бораётганидан далolat беради.

Болаларга мўлжалланган антибактериал салфеткалардан фойдалангандан сўнг 48 соат ичида қиз-ғиш тошмалар пайдо бўлган. Бунга юқорида тилга олинган консервантнинг салфетка таркибида кўп микдорда бўлиши ёки унинг бола терисида узок вақт сақланиб қолиши сабаб бўлаётгани таъкидланмоқда. Шунингдек, мутахассислар бу консервант жароҳат олган тери-



лар учун ҳам зарарли эканини айтиб ўтишган.

Мазкур ҳолат сўнгги вақтларда дунё миқёсида ҳам кенг тарқалмоқда. Метилизотиазолинон бирикмаси 2000 йилда болалар салфеткалари билан бир қаторда, косметик маҳсулотлар, шампун, дезодорант, қуёшдан ҳимояловчи кремларда ҳам кенг қўлланила бошланган.

**ЧЕКИШ СУЯКЛАР УЧУН ҲАМ ЗАРАРЛИ**

**Чекишнинг саратон, юрак, ўпка хасталикларини ривожлантириб, жинсий заифликка олиб келиши ва бунинг оқибатида фарзанд кўриш имкониятини камайитириши илмий жиҳатдан исботланган. Янги ўтказилган тадқиқотлар эса ушбу зарарли одатнинг соч ва суяклар учун ҳам бир қатор муаммони келтириб чиқариши аниқланди.**

Мутахассислар фикрига кўра, чекиш организмда А, В, С витаминлари, магний, кальций ва рух моддалари микдорининг камайишига олиб келади. Бу эса соч ва суяклардаги ДНК тузилишига салбий таъсир кўрсатади.

«The Times of India» нашрида ёзилишича, чекиш суякларда янги ҳужайралар пайдо бўлишига хизмат қилувчи қисмлар фаоллигини тўхтатади. Шунингдек, тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш аёлларда менапауза жараёнини тезлаштириб, тос суякларининг мўртлашувига сабаб бўлиши мумкин.

Таъкидлаш ўринлики, тамаки таркибидаги 4 мингга яқин зарарли бирикмалар организмдаги барча аъзолар саломатлигига жиддий хавф солади. Шу сабаб ҳам айни кунларда Европа Иттифоқида чекиш, уни тарғиб қилишни чеклашга оид янги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Унга кўра, сигарета қутисининг 65 фоиз қисми унинг зараридан огоҳлантирувчи маълумотлардан иборат бўлиши, тамаки маҳсулотлари рекламасининг ҳар қандай кўриниши таъқиқланиши белгиланган.

Санжар РУСТАМОВ тайёрлади.

**ФЕСТИВАЛЬ СПОРТЧИ ҚИЗЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШДИ**

Ранг-баранг шар ва гуллар билан безатилган мўъжазгина мактаб боғига кирар экансиз, спорт тadbирига қатнашаётган қизларнинг шўх-шодон кайфиятига гувоҳ бўласиз. Кимдир теннис ўйнамоқда, яна кимдир шахмат тахтасида иштиёқ билан дона сурмоқда.

Баҳорнинг илк кунларида Миробод туманидаги 44-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида «Соғлом қизлар — соғлом келажак пойдевори» шиори остида ташкил этилган қўвноқ спорт фестивали қизларнинг бўш вақтини мароқли ташкил этишга хизмат қилмоқда.

Таассуротларга бой ўтган тadbирда тумандаги 16та таълим муассасасидан 1500 нафар спортсевар киз қатнашди. Фестиваль иштирокчилари шахмат, шашка, стол тенниси, бадминтон, таэквондо бўйича куч ва маҳоратларини яна бир бор синовдан ўтказишди. Tadbирни ўтказишдан мақ-

сад қизлар орасида спортни кенг оммалаштириш, оилаларда спорт билан мунтазам шуғулланувчи қизлар ва аёллар сонини кўпайтириш орқали соғлом турмуш тарзини шакллантиришдан иборат.

Туманда спортчи қизлар анчагина. Жумладан, Миробод туманидаги ихтисослаштирилган олимпия захиралари спорт мактаби тарбияланувчиларидан 6 нафари спорт гимнастикаси, 2 нафари эркин кураш, 2 нафари акробатика бўйича халқаро мусобақаларда голибликни қўлга киритган. Фестивалнинг очилиш маросимида халқаро мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаган 27 нафар спортчи киз тақдирланди.

— Анча йилдан бери мактабимиздаги баскетбол тўғарагига қатнайман. «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаси саралаш босқичларида бир неча бор муваффақиятли иштирок эт-



ганман. Фестиваль спортга қизиқшимни янада оширди. Бундай спорт тadbирлари соғлом ва баркамол, ақли теран, фикри тиниқ ёшлар бўлиб улғайишимизга хизмат қилади, — дейди фестиваль иштирокчиси, 110-мактаб ўқувчиси Нозанин Исроилова.

Спорт фестивалида ўқувчилар томонидан «Келажакнинг ўз қўлинда» номли мусиқий театрлаштирилган томоша намойиш этилди. Спортсевар қизларнинг шўх-шодон рақслари йиғилганларга хуш кайфият бағишлади.

Одина КУЛМУРОВА,  
«Ma'rifat» мухбири  
Б.РИЗОКУЛОВ олган суратлар.

Аҳоли ўртасида спортни янада оммалаштириш ва ривожлантириш, ёш авлодни ҳар томонлама соғлом қилиб тарбиялаш, хотин-қизларнинг репродуктив саломатлигини яхшилаш борасида қатор чора-тadbирлар амалга ошириб келинмоқда. Навоий шаҳрида вилоят халқ таълими муассасалари педагог ва ходимлари ўртасида 8 март — Халқаро хотин-қизлар кuni муносабати билан «Гимнастрада барча учун» спорт мусобақаси ўтказилди.

**ГИМНАСТРАДА БАРЧА УЧУН**

Беллашувларда вилоятдаги барча таълим муассасаларидан 25 ёшдан юқори бўлган аёллар иштирок этди. Туман ва шаҳарлардан саралоб олинган 31 жамоа иштирокида ўтказилган мусобақа якунига кўра, умумтаълим мактаблари ўртасида Кармана туманидаги 25-мактаб-интернат жамоаси голиб чиқди. Мактабдан ташқари таълим муассасалари ўртасида Хатирчи туманидаги 3-ҳамада 10-болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари терма жамоалари пешқадамлик қилишди. Мактабгача таълим муассасалари орасида Навоий шаҳридаги Меҳрибонлик уйи тарбиячилари етакчи бўлди.

Мусобақа сўнигида голиблар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Гулчеҳра БОБОЕВА,  
Зарафшон шаҳар 3-умумтаълим мактабининг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маъмурияти ва Касаба уюшма қўмитаси Хуқуқшунослик факультети «Давлат хуқуқ фанлари» кафедраси катта ўқитувчиси Шухрат Мирзаевга падали бузруквори ШАВКАТ отанинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.



Дунёда савобли, эзгу ишлар кўп. Халқларни, турли тилларда гаплашувчи инсонларни бир-бири билан дўстлаштириш, одамлараро меҳроқибат робиталарини мустақамлаш йўлида чекилган заҳмат шу юмушлар ичида энг улугларидан. Биз бу ўринда бадий асарлар таржимаси билан шуғулланишни назарда тутайтирмиз.

Мустақиллик йиллари таржимачиликда чиндан ҳам янги давр бошланди: аслиятдан таржиммага эътибор ортди. Илгарилари орзу қилиш ҳам маҳол бўлган хайрли иш — хитой, корейс, япон тиллари каби мураккаб тиллардан таржиммага қизиқиш кучайди. Бу борада, хусусан, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Самарқанд давлат чет тиллар институти, Тошкент давлат шарқшунослик институти талабалари ғайрат кўрсатмоқдалар.

Саҳифамиз қаҳрамони Севара Алижоннова ҳам аслиятдан таржима билан шуғулланишга астойдил киришган истеъодли қаламкашлардан. У Жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетини тамомлаб, ҳозирги кунда «Жаҳон адабиёти» журналида ишламоқда. 2010/2011 ўқув йили эса, Хитой Халқ республикасининг Даян шаҳридаги Жаҳон тиллари университети хитой филологияси факультетида хитой тили ва маданиятини ўрганиб қайтган.

Севара тилларни севиб, кунт билан ўрганади. У хитой, инглиз, рус тилларини яхши билади. Инглиз тилига шеърлий таржима китоблари — «Ёз кечаси» (2007), «Янги йил орзуси» (2008) босилиб чиққан. Фикра жанрида ижод қиладди. Мақолалари республикамиз газета-журналларида мунтазам босилиб турибди.

Мустақил фикрли Севара Алижоннова катта ниятлар, юксак орзу-умидлар билан ижод қилмоқда. «Инсоннинг мақсади ҳам ёшига қараб ўзгариб бораверар экан, — дейди Севара. — Бугун мақсадим ўзбек китобхонига Лу Сун(Син)ни таништириш, эртага ўзгача бўлиши табиий. Яшайдан мақсадим эса, буткул бошқа. Ижод унинг ярами бўлса, ярамида оила туради. Олий мақсадларимдан яна бири — ўткир қаламим, теран фикрим билан одамлар қалбига кириб бориш. Комилликка интилиш, бошқаларни ҳам унга чақириш — бир умрлик мақсадим».

Насиб этса, XX аср янги хитой адабиётининг асосчиси Лу Сун ўзбек халқига ҳам ўз ёзувчисидек яқин бўлиб қолади. Улуг хитой адаббининг ўлмас асарлари билан халқимизни таништиришдек эзгу амалда Севарага куч-ғайрат, туганмас илҳом ёр бўлишида тилақдошимиз.

Маҳмуд САБДИЙ

## ЛИРИК ФИҚРАЛАР

### ХУМОР

— Бугун сизларниқига бо-ришмоқчи...  
— ...  
— Бирор нима десангиз-чи?  
— ...  
— Ахир, сизни...  
— ...  
— ...  
— Соатим? Ие, тўхтаб қопти-ку...  
— ...  
— Бирор нима десангиз-чи?  
— ...  
— Ахир, сизни...  
— ...  
— ...  
— Соатим? Ие, тўхтаб қопти-ку...  
— ...  
— Бирор нима десангиз-чи?  
— ...  
— Ахир, сизни...  
— ...  
— ...  
— Соатим? Ие, тўхтаб қопти-ку...

### ДОМЛА

У сира бошқаларга ўхшайди. Башанг костюм-шим киймайди, беҳузур ҳис қиладди ўзини. Бўйинбоғ боғласа, нафаси қайтади. Кўлида ҳар хил ҳужжату қаппайган портфели ҳам йўқ. Мулозамат қилишларини сўрамайди, чунки хохламайди. Кўзойнаги ортидан тийрак нигоҳ билан боқиб туради, холос.  
Бирок барча уни "домла" деб аташни хуш кўради.

### БОЛАЛИК

Кип-қизил гунча. Гард кўнмаган, хушбўй. Кўрғанинг сайин завқинг ошади, тўйиб-тўйиб ҳидлагинг келади. Юзингга самимий, нимтабас-сум югуради. Энди билсам, ўша гул ҳада этган табассум энг самимий экан...

### ПАРАДОКС

— Кечирасиз, соатингиз неча бўлди?  
— ...  
— Қаёққа?  
— ...  
— Ҳалиги... Сиз менга ёқасиз...  
— ...

### ВАҚТ БИЛАН ПОЙГА

Чик... чик... чик...  
Дук... дук... дук... дук...  
Чик... чик... чик...  
Дук... дук... дук...  
Чик... чик... чик...  
Дук... дук...  
Чик... чик... чик...  
Дук...  
Чик... чик... чик...  
...

### ЖУМБОҚ

Уни варақлайман, варақлайвераман. Кўзларим қорануқталар устида югуради. Бир марта бўлса ҳам тўхтамайди. Варақлайман, варақлайвераман... Ие, тугадими?

Ғалабага ишонч, омадга умид ва барча имкониятларни тўла намоён этишига иштиёқ, булар — ёпиқ эшикка қайтиш.

Ўзинг севган касбни танла, бир кун бўлса ҳам кўнглингдаги ишни қил.

Ҳаёт жуда оддий, бироқ биз уни мураккаблаштирамиз.

Донишмандликнинг уч йўли шу: олижаноблик билан фикрла, чин дилдан их-

\*\*\*  
Ҳақиқатга юзланмоқ — жасоратсизликдан воз кечмоқдир.

\*\*\*  
Саводсиз бирор китобни очолмайсан.

\*\*\*  
Халқнинг кучи оила мустақамлигидадир.

\*\*\*  
Агар бир йилни ўйласанг — доп сеп, ўн йилни ўйласанг — дарахт ўтқаз, юз йилни кўзласанг — билим ўргат.

## Va'da

\*\*\*  
Комил инсон чекловлардан илҳом билан ўч олади.

\*\*\*  
Ишонинг, кексалик роҳатбахш ва ёқимли. Тўғри, сиз саҳна ортида қоласиз, бироқ кейинчалик олд қаторга ўзлари сизни олиб ўтадилар, фақат томошбин ўрнида...

\*\*\*  
Мени ташвишлантирадигани — бошқаларнинг

Кун СЗИ (Конфуций)

# ЭЗГУЛИК ДУНЁНИ КЕНГ ВА ПОРЛОҚ КЎРСАТАДИ

лос қил, ўзингиз энг қийин тажриба йўлида сина!

\*\*\*  
Мақсадга етиб боролмаслигинг аён бўлса, мақсадни эмас, ҳаракатни ўзгартир.

\*\*\*  
Нафратланиш нақадар осон бўлса, эъзозлаш шу қадар қийин. Бу — азалий ўзгармас қоида.

\*\*\*  
Сукунат — ҳеч қачон сотмайдиган дўст.

\*\*\*  
Омад дастлабки қадамга боғлиқ, меҳнатсиз омаднинг келиши мумкин эмас.

\*\*\*  
Йўлда кетаётган икки бегонанинг ҳар иккиси ҳам менга устозлик қила олади. Бирининг фазилатларига тақлид қилсам, иккинчисининг нуқсонларидан сабоқ оламан.

\*\*\*  
Қанчалик секин одимлагин, бу — тўхтаб қолишдан яхшироқ.

\*\*\*  
Донишмандлик, раҳмдиллик ва дадиллик инсоннинг ботинини юзага чиқаради.

\*\*\*  
Одам эзгулик ҳақида қанча кўп ўйласа, дунё шу қадар кенг ва порлоқ кўринади.

\*\*\*  
Силлиқ тошдан дарз кетган олмос яхши.

\*\*\*  
Энг ақли ва энг аҳмоқ одамгина ўзгармайди.

\*\*\*  
Ҳурмат ҳиссисиз инсонни ҳайвондан қандай фарқлаб бўлади?

\*\*\*  
Ўзинг учун эринган юмушни ўзгага юклама.

\*\*\*  
Дўстларга ишончсизликдан кўра уларнинг ишончсизлигини қабул қилиш уятлироқ.

\*\*\*  
Билимни такрорлаб турмасанг, ундан ҳеч вақо қолмайди.

\*\*\*  
Рақсни эпламаган одамга шамшир тўтқазма.

\*\*\*  
Умид ғайрат билан рўёбга чиқади; уста меҳнатининг равнақи — ускуналарининг ўтқирлигида.

\*\*\*  
Зулмкор ҳукумат фуқароси бўлиш йириқ чангалда қолишдан қўрқинчи-роқ.

\*\*\*  
Билгани билдим, билмагани билмадим, дейиш — билимдир.

\*\*\*  
Муттасил бахт ва ақл оғушидаги инсон учун иккинчисининг галма-гал алмашиб туриши табиийдир.

\*\*\*  
Мен сенинг ўзингдай бўлишингни хошлайман.

\*\*\*  
Комил инсон қобилиятидаги ноқисликлардан тушкунликка тушмайди, ўзининг тан олинмаслигидан ташвишланмайди.

\*\*\*  
Биз ғам-андуҳни татиб кўришимиз, бироқ унинг домига тушмаслигимиз лозим.

\*\*\*  
Тўғри сўзла, жаҳлга йўл берма, саховатли бўл; бу уч амал сени Тангрига яқинлаштиради.

\*\*\*  
Комил инсон ҳамиша яхшилиқни, оддий киши эса кулайликни кўзлайди.

\*\*\*  
Қобилият унга бўлган талабни қондиროлмайди.

\*\*\*  
Биз ҳаётни билмасак, ўлимни қандай биламиз?

\*\*\*  
Дўстликда шартномага ҳоҷат йўқ.

мени билмасликлари эмас, ўзимнинг қобилиятсизлигимдир.

\*\*\*  
Комил инсоннинг нуқсонини тўлиқ ой юзидаги доғга ўхшайди. Ойнинг доғи яққол кўришиб турса-да, барча уни шу "хол"и билан севади.

\*\*\*  
Бойлик ва обрў — инсон учун Яратганинг инояти.

\*\*\*  
Аҳмоқнинг дийдиёсини эшитиш ва эътибор бериш аҳмоқлик сари қўйилган биринчи қадам.

\*\*\*  
Ундан фойдаланишда, қизиқишларини ўрганишда ва оромини ўғрилашда. Бу одам ўзлигини яширишигини эплалмайди!

\*\*\*  
Орқага чекинмоқ — пастликдан сакрашдек гап.

\*\*\*  
Комил инсоннинг илк қадами тетапоя, аммо манзили порлоқ бўлгуси.

\*\*\*  
Китоб дўқони сотувчиси билимдон бўлиши шунинг учун ҳам керакки, у бизга керакли ва биз илгмайдиған китобларга диққатимизни қарата олсин.

\*\*\*  
Комил инсоннинг маёғи — ҳақиқат!

\*\*\*  
Бошқалар учун хизмат қилар экансан, ўзинг учун қилгандай ғайратда бўл.

\*\*\*  
Камтарлик — барча эзгуликлар пойдевори.

\*\*\*  
Олижаноб одам — сўзи билан иши мос келмаса юзи қизарган одамдир.

\*\*\*  
Ҳокимиятни ўзининг эзгу амаллари билан бегазан султонни Кутб юлдузига қиёлаш мумкин.

\*\*\*  
Қадрсизлик — бошпанасизлик.

\*\*\*  
Хитой тилидан Севара АЛИЖОНОВА таржимаси.

# ТҮМАРИС ВА ЗУЛФИЯХОНИМ ИЗДОШЛАРИ

яна кўплар қизлар ҳавас билан уларга муносиб издош бўлишмоқда

Баҳор деганда турфа ранг ва хуш бўйли гуллар кўз олди-мига келади. Энди айтинг-чи, гуллар деганда кимлар хаёлингизга келади? Аёлларимиз — онамиз, опа-сингилларимизга байрамларда, таваллуд айёмларида меҳримиз рамзи сифатида, албатта, гул совға қиламиз. Ҳар йили 8 март байрами арафасида эса бу нозик қалб соҳибаларининг кучоғи ҳар доимгидан ҳам гулларга тўлади. Улар бунга муносиб. Аёллар эътибордан, бир оғиз ширин сўздан куч олади.

Бугун юртимизда хотин-қизларга бўлган эътибор ҳар қачонгидан-да юксак. Уларнинг жамиятда, ilm-fan, санъату спортда ўз ўрни бор. Юртимизда аёлларнинг барча соҳалар каби спортда ҳам эришяётган ютуқлари бarchамизни қувонтиради. Бадий гимнастикадан тортиб Шарк яккакурашларигача, Олимпиада ўйинларидан ўрин эгаллаган мураккаб спорт турлари — синхрон сузиш, сув полосо бўйича мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб келаётган спортчи қизларимизнинг ютуқларини эътироф этмасдан илож йўқ. Шулар ҳақида ўйлаганда, муҳтарам Юртбошимизнинг 2013 йили Зулфия номидаги давлат мукофотига сазовор бўлган, айниқди бўйича Осиё чемпиони Сарвиноз Шайдуллаева мисолида уларнинг эришяётган муваффақиятларига берган ушбу юксак баҳоси хаёлдан ўтади: «Яқинда Тошкентда Хотин-қизлар байрамига бағишланган тантанали маросимда сўзга чиққан С.Шайдуллаеванинг фикрларига эътибор берадиган бўлсак, унинг қандай ишонч билан, ўз юрти ҳақида фахр билан гапиргани барчамизни мамнун этади. Мен билмадим, бундай қизларга ҳар томонлама муносиб куёв бўлиш, уларнинг меҳрини, муҳаббатини қозониш учун энди йигитларимиз қандай маррани забт этиши керак бўлар экан?»

Шу кунларда кўксидан порлаб турган мукофотга ҳар томонлама муносиб бўлишга интиляётган 212 нафар Зулфияхоним издошлари орасида ҳам спортда кўплар ютуқларни кўлга киритган ўттизга яқин иқтидорли ёшларимиз бор. Юлдуз Ҳамроқуллова, Сарвиноз Қурбонбоева, Шоҳида Зоҳидова, Зумрадхон Тазетдинова, Моҳинур Қаҳрамонова, Зулхумор Бобоева, Дурдона Қорабоева, Севара Мирзабекова, Муниса Санокуллова, Хусниабону Фуломова... Бу рўйхатни яна узок давом эттириш мумкин.

Ана шу қизларимиз орасида спортнинг биргина шахмат тури бўйича юксак марраларни кўлга киритиб, Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлганлари 3 нафарни ташкил этади. Улар — Юлдуз Ҳамроқуллова, Сарвиноз Қурбонбоева, Моҳинур Қаҳрамонова каби қитъа ва жаҳон чемпионатларида муваффақиятли иштирок этиб кўплар ютуқларга эришган иқтидорли шахматчилар.

**Юлдуз Ҳамроқуллова.** Бу шахматчи қизнинг эришган ютуқлари ёшларнинг ҳавасини келтиради. Олти ёшидан бошлаб «ақл гимнастикаси» сирларини ўргана бошлаган Юлдуз Осиё ва жаҳон чемпионатларидаги фаол иштироки билан спорт илҳосламларида яхши таассурот қолдириди. У 2003 йили Фаргона шахрида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида бронза медални кўлга киритган.

Ҳалаб инсонга куч бағишлайди. Ҳалабадан руҳланган

Юлдуз ўз устида янада кўпроқ ишлаб, маҳоратини оширди. Бу ўз самарасини кўрсатди. 2005 йили Франциянинг Бельфор шаҳрида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида ҳам бронза медалга эга бўлди. 2007 йили у қитъа чемпионатидаги натижасини яхшилаб, 18 ёшгача ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида кумуш медаль соҳибига айланди.



Бу спортчи қизнинг эришган ютуқларини санаб тугата олмаيمиз. У 2008 йили спортдаги зафарлари учун Зулфия номидаги давлат мукофотига, 2009 йили эса юртимизда спортнинг ривожланиши ва Ўзбекистонимизнинг жаҳонга танилишига қўшган ҳиссаси учун «Шуҳрат» медалига сазовор бўлганини энг асосий ютуғи деб билади.

Халқаро тоифадаги спорт устаси Юлдуз Ҳамроқуллова бугунги кунда шахматни ўрганишни хоҳловчи ёшларга унинг сир-синоатларини ўргатиб, ўзига муносиб издошлар тайёрлаб, юртимизда шахмат ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

— Юртим — кўксимда ёниб турган ифтихорим, гурурим, — дейди Юлдуз Ҳамроқуллова. — Турли халқаро турнирлар, нуфузли чемпионатларда галаба қозонганимиз шарафига байроғимиз баланд кўтарилиб, мадҳиямиз янграганда илк бор хаёлимга Юртбошимизнинг «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз ҳам», дея айтган даъватлари келади. Бу юртва муносиб фарзанд бўлиш учун фақат ва фақат ҳаракат қилишимиз керак.

**Сарвиноз Қурбонбоева.** 5 ёшидан бўён шахмат билан шуғулланиб келаётган бу иқтидорли қизнинг эришган ютуқларида Бобёв туманидаги 9-мактабда ташкил этилган шахмат тўғрагининг ўрни алоҳида. Ҳар бир спорт турида бўлгани каби шахматда ҳам иқтидорли болаликдан ҳимоя усулларини ўргатиб маҳоратини ошириб борди. 2003 йили Сарвиноз ўзининг илк катта ютуғига эришди. Ун ёшгача бўлган қизлар орасида Ўзбекистон чемпиони деган номга сазовор бўлди.

2008 йили Эронда кечган бо-



лалар ва ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида 14 ёшгача бўлган болалар ўртасида кумуш медалга сазовор бўлди. 2011-2012 йиллари Туркия ва Бразилида бўлиб ўтган болалар ва ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида кучли бешликдан жой олган.

Иқтидорли шахматчи Сарвиноз Қурбонбоева 2010 йили ўқиш ва спортда эришган натижалари учун Зулфия номидаги давлат мукофоти ҳамда «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишонига сазовор бўлган.

**Моҳинур Қаҳрамонова.** 2012 йили Навоий шаҳрида бўлиб ўтган мактаб ўқувчилари ўртасидаги «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларида шахмат бўйича олтин медални кўлга киритган Моҳинурнинг шахматга қизиқиши жуда эрта ўйғонди. Отаси Наримон ака ва онаси Гулжамол опа фарзандининг бу қизиқишини кўллаб-қувватлаб, Зафаршон шаҳридаги Навоий металлургия комбинатидаги каршилик Марказий кон бошқармасининг «Прогресс» спорт мажмуасидаги шахмат тўғрагида олиб боришди. Зиёли оила-



да вояга етаетган Моҳинур мураббий Зиятдин Тамазаев кўл остида «ақл гимнастикаси» сирларини ўргана бошлади. Илк ютуғини вилоят биринчилигида голибликни кўлга киритиш билан бошлаган шахматчи қиз кетма-кет Техрон ва Деҳли шаҳарларида бўлиб ўтган Осиё чемпионатларида муваффақиятли қатнашди. 2012 йили Зарафшон шаҳридаги 13-умумтаълим мактабининг 9-синфида ўқиётган Моҳинур Қаҳрамонова ота-онаси, устозлари ишончини оқлаб юқори натижаларга эришгани, ўқиш ва жамоат ишларидаги фаоллиги учун Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Халқаро хотин-қизлар кўни арафасида ушбу нуфузли мукофотга эга бўлган истеъдодли ёшлар сафи яна кенгайди. Юртимизда бундай истеъдодли қизларимизнинг кўпаяётгани ҳали олдинда юксак марраларни забт этишга ва кўплар ютуқларни кўлга киритишга умид юғотди.

**А. ИСЛОМОВ**

Болаликдан спорт билан шуғулланиш иродани тоблайдми, аниқ мақсад сари интилишга, қийинчиликларни бардош билан енгилга ўргатади, галабага ҳалол интилиш ва оғир-босиқлик фазилатларини шакллантиради. Шу маънода, бугун юртимизда болалар спортини ривожлантириш масаласига барча эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришга қодир бўлган муносиб авлоднинг тарбиялашнинг муҳим шартини ва гарови сифатида юксак эътибор қаратилмоқда. Аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар фарзандларимизни спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб қилиш орқали жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом авлоднинг тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Спорт ва жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланиб, юксак марраларни эгаллаётган гандбол бўйича қизларимиз терма жамоаси эришяётган ютуқлар бунга ёрқин мисол. Бугунги кунда юртимизда гандбол билан шуғулланувчи ёшларнинг сони 102027 нафар. Шундан қарий ярми қизлар эканини қувонтиради, албатта.

Жорий йил 28 январда бўлиб ўтган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомилий кенгаши йиғилишида жамғарма маблағлари ҳисобидан ўтган йилнинг ўзида турли даражадаги халқаро мусобақаларда қат-



## «ҲЕЧ ҚАЧОН БЎШ КЕЛМАЙМИЗ»

дейди Италияда ўтказилган халқаро турнирда голибликни кўлга киритган гандболчи қизларимиз

нашган ўсмир-ёшларимиз томонидан 124та олтин медаль кўлга киритилгани мамнуният билан таъкидланди. Бу олтин медалларнинг кўлга киритилишида 50 нафардан зиёд ўсмир қизларнинг ҳиссаси катта.

Бу қизлар орасидан 14 нафар йил декабрь ойида Италияда бўлиб ўтган халқаро мусобақада олтин медални кўлга киритган гандбол бўйича ўсмирлар терма жамоаси аъзолари дид.

Ўсмирлар терма жамоаси сафида Олмалиқ шаҳридаги 15-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Анна Пискунова, 14-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Сарвиноз Муҳиддинова, 4-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Васила Иманова, Андижон олимпия заҳиралари коллежи ўқувчилари — Фотимахон Ҳусонова, Гулсанам Эркинова, Хилолаҳон Қодиржонова, Сурайёҳон Абдулхамидова, Гулмира Нажмиддинова, Сирдарё шаҳридаги педагогика коллежи ўқувчиси Севара Раззоқберганонова, Самарқанд шаҳридаги маиший хизмат коллежи ўқувчиси Шоҳсанам Сафарова, Тошкент шаҳри Миробод туманидаги 263-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Дарья Сафарова, Яқкасарой туманидаги 89-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Сабина Никольская, 127-умумтаълим мактаби 9-синф ўқувчиси Мадина Калибоева, 319-умумтаълим мактаби 9-синф ўқувчиси Захро Аллаёрова каби иқтидорли гандболчилар бор.

Бу қизларнинг аксарияти мамлакатимизда ташкил этилган уч босқичли спорт мусобақаларининг «Умид ниҳоллари» беллашууларида иштирок этган. Жумладан, Захро Аллаёрова 2012 йили Навоий шаҳрида бўлиб ўтган «Умид ниҳоллари» мусобақасининг финал босқичида гандбол бўйича Тошкент шаҳри жамоаси таркибиде иштирок этган. Унинг ўйин пайтида чеклов ва эпчил ҳаракат қилиши, тўпни қабул қилиб олиб жамоадошига бехато ошириши, дарвозани аниқ нишонга олиб, рақиб дарвозабонини доғда қолдириши Ўзбекистон ўсмирлар

терма жамоаси мураббийларинида яхши таассурот уйғотди ва у тез орада терма жамоага жалб қилинди.

Захро ва жамоадошлари 2013 йил сентябрда Таиланднинг Бангкок шаҳрида бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида иштирок этиб, Эрон ва Хитой терма жамоаларини мағлубиятга учратишди. Шу ютуқлар натижасида жамоа илк маротаба жаҳон чемпионати йўланмасини кўлга киритди.

— Бундай ютуқларни тинимсиз машғулотларда чиниққан аҳил жамоа билан кўлга киритдик, — дейди Захро Аллаёрова. — Жамоамиз кучли қизлардан таркиб топган. Македонияда ўтадиган жаҳон чемпионатида муносиб иштирок этишни олдимизга мақсад қилиб қўйганимиз. Бунинг учун бор имконият ва маҳоратимизни ишга солаемиз. Ҳеч қачон бўш келмаймиз!

Захро спортсевар оилада камол топган. Унда спортнинг бу турига қизиқиш уйғотган ҳам отаси Абдукарим ака. Ўзи ҳам ёшлигида спорт билан жиддий шуғулланган, хусусан, гандболга ўзгача меҳр қўйиб, бир қанча мусобақаларда иштирок этган ота фарзандларининг спорт билан шуғулланишини истаб Захронини 4-синфда ўқиб юрган кезлариёқ Яқкасарой болалар спорт мажмуасидаги гандбол тўғрагида, кенжатоий Шоҳруҳини кикбоксинг тўғрагида олиб борган.

— Захро тўғрагимизда келганида, отасининг қўлидан ушлаб олган ҳусуси кичкина қизлақ эди, — дейди Захронинг биринчи мураббийи Татьяна Денисова. — Отасининг ортида қўзларини пирпиратганча менга тикилиб турарди. Уни синиб кўрдим ва ундан яхши гандболчи чиқишига ишонч билдирдим. Мана, янгилимаган эканман, натижасини бугун кўриб турибмиз.


Бугун барча юртдошларимиз ўсмир қизларимизнинг кўлга киритаётган ютуқларидан фахрланамиз. Улардан келгусида катта-катта марраларни забт этишни, ҳеч қачон бўш келмасликни кутиб қоламиз.

**Жўрабек ЖАНГИРОВ,**  
«Ma'rifat» муҳбири



## Xalq farovonligi faoliyatimiz mezon

Vafo va sadoqat, go'zallik va nafosat  
timsoli bo'lgan dilbar ayollarimizni  
8-mart – Xalqaro xotin-qizlar kuni  
bayrami bilan tabriklaymiz!



"Agrobank" ochiq aksiyadorlik tijorat banki  
100096, Toshkent shahri, Muqimiy ko'chasi, 43.  
Tel.:(8-371) 150-53-72; Fax: 150-53-95

[www.agrobank.uz](http://www.agrobank.uz)

Xizmatlar litsenziyalangan

**Ma'rifat**

TA'SIS

ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi  
vazirligi, O'zbekiston Oliy  
va o'rta maxsus ta'lim  
vazirligi, O'zbekiston  
Ta'lim, fan va  
madaniyat xodimlari  
kasaba uyushmasi  
Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:  
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEK-  
NAZAROV, Baxtiyor DONIYO-  
ROV, Farrux JABBOROV (bosh  
muharrirning birinchi o'rinbosari),  
Husan NISHONOV (bosh muharrir  
o'rinbosari), Farhod RIZAYEV, Nurlan  
USMONOV (bosh muharrir o'rin-  
bosari, "Учитель Узбекистана"),  
Mirzakarim XUDDIYEV, Baxtiyor  
YOQUBOV (mas'ul kotib), Aleksey  
CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель  
Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta  
O'zbekiston Matbuot va axborot  
agentligida № 0067 raqam bilan  
ro'yxatga olingan.

ISSN 2030-6436



INDEKS: 149, 150, Г-326  
Tiraji 66235.  
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset  
usulida bosilgan, qog'oz  
bichimi A-3.

\*Ma'rifat-dan materiallarni ko'chirib basish  
tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.  
Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqir  
qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,  
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: [www.marifat.uz](http://www.marifat.uz)

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy  
o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 233-  
53-14, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi  
yangiliklari bo'limi — 233-56-45, adabiyot, madaniyat,  
kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 233-  
54-49, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari  
bo'limi — 233-54-63, siyosat, xalqaro hayot va sport  
yangiliklari bo'limi — 233-76-40, reklama va marketing  
bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda  
erkin narxda

Dizaynerlar:  
Liliya BINASHEVA,  
Malohat TOSHOVA.

Navbatchi muharrir:  
Xayriddinmurod ABULFAYZOV.  
Navbatchi:  
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

«Sharq» nashriyot-matbaa  
aksiyadorlik kompaniyasi  
bosmaxonasi.

Korxonada manzili:  
«Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

Yza yukni — 21.35  
Topshirildi — 22.00